

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 658.23:658.5

ҚАЙУМОВ ОЛИМЖОН ҒАНИШЕР ЎҒЛИ

**“OLIMJONPHARM MEDICAL” МЧЖ ДА ФАРМАЦЕВТИК ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

5A510603-«Дориларнинг саноат технологияси»

Магистр

Академик даражасини олиш учун ёзилган

Диссертация

Илмий раҳбар: фарм.ф.н., проф. Хайдаров В.Р.

Тошкент-2018

Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Саноат фармацияси

Кафедра - Дори воситаларининг

саноат технологияси

Ўқув йили 2016-2018 йй.

Магистратура талабаси:

Қаюмов О.Ғ.

Илмий раҳбар:

ф.ф.н. доц. Хайдаров В.Р.

Мутахассислиги:

5А 510603 - Дориларнинг саноат

технологияси

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНING АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Давлатимиз 1-президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, “Ўзфармсаноат” АҚ тизимидаги корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига, четдан маҳсулотларни импорт қилишни 2015 йилда 48,2 фоиз (2014 йилдагига нисбатан) ёки 47,0 млн. АҚШ долларига, 2016 йилда 51 фоиз ёки 49,7 млн. АҚШ долларига (2015 йилдагига нисбатан), 2019 йилгача 62,5 фоиз камайитириш белгиланган.

Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикасида экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллий хом-ашё ва минерал ресурслар негизида ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан иборатдир. Шу муносабат билан Фарғона вилоятида фармацевтик дори воситалари ишлаб чиқарадиган корхона мавжуд эмаслиги ва вилоятда дори воситаларига бўлган талабнинг юқорилиги долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек касб-хунар коллежи битирувчилари ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳукуматимиз олдида турган яна бир муҳим масалалардан биридир. Биз шу муносабат билан маҳаллийлаштириш дастури асосида Фарғона вилоятида фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал этишни мақсад қилиб қўйдик.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Фарғона вилояти Қўштепа туманида “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этиш ва шу билан бирга касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилинади:

- мавжуд бино конструкциясидан келиб чиқиб, фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш имконини берадиган линия лойиҳа чизмасини чизиш;
- қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш;
- керакли асбоб-ускуналар олиб келиб жойлаштириш;
- керакли меъёрий-техник ҳужжатлар тайёрлаш;
- ишлаб чиқаришга руҳсат олиш ва фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ бўлиб, ушбу фармацевтик корхонада фармацевтик эритмаларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва усуллари: “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этишда мавжуд бино конструкциясидан келиб чиқиб, фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш имконини берадиган линия чизмаси чизилади. Қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади ва керакли асбоб-ускуналар олиб келиб жойлаштирилади. Керакли хужжатлар тайёрланиб, ишлаб чиқаришга рухсат олинади ва фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Илк бор Фарғона вилоятида дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этилади ва унда фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Маҳаллийлаштириш дастурига асоасан Фарғона вилоятида “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этилади ва бу корхонада 15 нафар касб-хунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланади. Шу билан бирга вилоят аҳолиси ва даволаш профилактика муассасалари сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминланади.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот давомида фойдаланилган объектлар ва қўлланилган усуллар тавсифи ҳамда олиб борилган изланишлар, уларнинг натижалари, хулосаларидан иборат бўлади. Шунингдек, умумий хулосалар, иловалар ва адабиётлар рўйхати келтирилади.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этилади ва унда фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонасида кейинчалик бошқа турдаги дори препаратларини ишлаб чиқариш имконияти ҳам юзага келади.

Илмий раҳбар _____ ф.ф.н., проф. Хайдаров В.Р.
(имзо)

Магистратура талабаси _____ Қаюмов О.Ғ.
(имзо)

THE MINISTRY OF HEALTH OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN

THE TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE

Faculty	- <u>Industrial pharmacy</u>	Master's student	- <u>Kayumov O.G.</u>
Department	- <u>Industrial technology of medicinal drugs</u>	Supervisor	- <u>Proff. Khaydarov V.R.</u>
The academic year	- <u>2016-2018</u>	Specialty	- <u>Industrial technology of medicinal drugs</u>

THE ANNOTATION OF THE MASTER'S DISSERTATION

The relevance of the topic. It should be noted that in the recent years a number of measures have been implemented to develop domestic pharmaceuticals production in the pharmaceutical industry. In the period from 2010 to 2016 this figure was 501.9 million. \$ 135.6 million of investments, including Direct foreign investments have been utilized and 99 new industrial objects have been commissioned. As a result, the share of local pharmaceuticals exceeded 55% in the total domestic market. Enterprises in our country produce more than 2000 types of drugs, the average level of their localization is 62%.

At the same time, taking into account that there is a huge reserve of imports of medicines and medical supplies with the use of local raw materials in our country with wide use, we have a number of opportunities to do so.

According to the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan from December 26, 2016 of N PP-2698 "About measures for further realization of perspective projects localization of production of finished products, components and materials for 2017-2019", further deepening of level of production localization, expansion of cooperation between industrial cooperatives, including small businesses and large enterprises of the country, local raw resources Twin import substitution, as well as the domestic market is filled with consumer goods and components, foreign exchange savings and the rational use of population, the creation of new jobs and ensuring the employment of modern, high-tech, aims to establish a competitive production.

Purpose and tasks of work. Establishment of pharmaceutical company "OLIMJONPHARM MEDIKAL" LLC in Kushtepa district of Ferghana region, as well as employment of graduates of professional colleges.

The following objectives are to be achieved to achieve the goal:

- Establishment of "OLIMJONPHARM MEDIKAL" LLC;

- Development of a project scheme allowing to produce pharmaceutical solutions based on the existing building design;
- organization of construction and assembly works;
- selection of the necessary equipment;
- development of necessary normative-technical documents;

Object and subject of research. The object of the research is "OLIMJONPHARM MEDIKAL" LLC, which is the subject of research on the production of pharmaceutical solutions in this pharmaceutical company.

Research Methods and Techniques: When organizing a pharmaceutical company "OLIMJONPHARM MEDIKAL" LLC draw a line drawing, which allows the production of pharmaceutical solutions based on the existing construction design. Construction and assembly works are carried out and the required equipment is selected. The necessary normative-technical documents will be developed.

Research results. For the first time in Farghana region a pharmaceutical company "OLIMJONPHARM MEDIKAL", which specializes in the production of pharmaceuticals, will be launched.

The practical significance and application of research results. A local pharmaceutical company "OLIMJONPHARM MEDIKAL" will be created in Ferghana region, where 15 college graduates will be employed. At the same time, the population and healthcare facilities are provided with high-quality and low-cost medicines.

The main results of the work. The pharmaceutical company "OLIMJONPHARM MEDIKAL" LLC will be organized and production of pharmaceutical solutions will be established.

A brief overview of conclusions and recommendations. At the pharmaceutical company "OLIMJONPHARM MEDIKAL" LLC there is a possibility of further production of other medicines.

Scientific supervisor _____ **Proff. Khaydarov V.R.**
(signature)

Student of Master's _____ **Kayumov O.G.**
(signature)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	10
1. Жаҳон фармацевтика бозорининг асосий тенденциялари ва истиқболлари.....	10
2. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатининг ривожланиш тамойиллари.....	15
3. Республика миқёсида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши.....	27
4. Хулосалар.....	31
II БОБ АМАЛИЙ ҚИСМ.....	33
1. Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши.....	33
2. 2017-2020 йилларда Фарғона вилоятида фармацевтика саноатининг ривожланиш истиқболлари.....	45
3. Аҳолини сифатли арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш борисида олиб борилаётган ишлар.....	47
4. Хулосалар.....	52
III БОБ	54
1. “Olimjonpharm Medikal” МЧЖ ни ташкил этиш асослари.....	54
2. “Olimjonpharm Medikal” МЧЖ да фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.....	60
3. Фармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш учун корхона лойиҳасини ишлаб чиқиш.....	63
4. Хулосалар.....	70
IV БОБ	72
1. “Olimjonpharm Medikal” МЧЖ да ишлаб чиқариладиган	

фармацевтик препаратлар.....	72
2. Ташкил этилган фармацевтик корхонанинг амалий аҳамияти.....	79
3. Хулосалар.....	80
Умумий хулосалар.....	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82
Иловалар.....	88

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги: Сўнгги йилларда фармацевтика соҳасида маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. 2010 — 2016 йилларда ушбу соҳада 501,9 млн. доллар инвестиция, шу жумладан, 135,6 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ўзлаштирилди, 99 та янги саноат объектлари ишга туширилди. Натижада маҳаллий дори воситаларининг улуши ички бозордаги умумий хажмга нисбатан 55 фоиздан ошди. Мамлакатимиздаги корхоналар томонидан 2000 турдан кўпроқ дори воситалари ишлаб чиқарилади, уларни маҳаллийлаштиришнинг ўртача даражаси 62 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланган ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмлари импортини қисқартиришнинг талайгина резервлари мавжуд эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада қатор ишларни амалга ошириш имкониятига эгамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2019 йилларда маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг тайёр турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон қарорига асосан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини янада чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини, шу жумладан кичик тадбиркорлик субъектлари ва республиканинг йирик корхоналари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш, маҳаллий хомашё ресурслари негизда импорт ўрнини қоплашни ҳамда ички бозорни зарур истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар билан тўлдиришни, валюта маблағлари тежалишини ва улардан оқилона фойдаланилишини, янги иш ўринлари ташкил этишни

ҳамда аҳоли бандлигини оширишни таъминлайдиган замонавий, юқори технологияли, рақобатбардошли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сон Фармони ҳамда «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сон қарорига асосан Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан 49 та фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини хусусийлаштириш ва самарали фойдаланиш бўйича қарор қабул қилинган.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқотнинг объекти “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ бўлиб, ушбу фармацевтик корхонада фармацевтик эритмаларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: Фарғона вилояти Қўштепа туманида “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этиш ва шу билан бирга касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилинади:

- “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ ни ташкил этиш;
- мавжуд бино конструкциясидан келиб чиқиб, фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш имконини берадиган лойиҳа чизмасини ишлаб чиқиш;
- қурилиш-монтаж ишларини ташкил қилиш;
- керакли асбоб-ускуналар танлаш;
- керакли меъёрий-техник ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Илк бор Фарғона вилояти Қўштепа туманида дори воситаларини ишлаб чиқаришга

ихтисослаштирилган “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этилади ва унда фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Таққиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Юртбошимиз ва ҳукуматимиз қарор ва фармонларидан келиб чиққан ҳолда, Фарғона вилояти Фарғона ва Марғилон шаҳарларида фармацевтик дори воситалари ишлаб чиқарадиган корхона мавжуд эмаслиги ва вилоятда дори воситаларига бўлган талабнинг юқорилиги долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек, касб-хунар коллежи битирувчилари ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳукуматимиз олдида турган яна бир муҳим масалалардан биридир. Биз шу муносабат билан маҳаллийлаштириш дастури асосида Фарғона вилоятида фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал этишни мақсад қилиб қўйдик.

Фарғона вилоятида давлат рўйхатидан ўтган фармацевтик препаратлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фақатгина Қўқон шаҳар ҳудудида жойлашган ва улар қуйидагилар: МСНЖ “Med invest farm”, МСНЖ “Beshariq momiq fayz”, МСНЖ “Darmon fayz farm”, МСНЖ “Global textile status”, ХК “Mehrigiyo”, МСНЖ “Zunnur servis farm”. Уларда асосан тиббий буюмлар ва доривор ўсимликлар асосида дори воситалари ишлаб чиқарилади.

Таққиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сифатини техник даражасига баҳо бериш учун “Халқаро савдода фармацевтик препаратлари сифатини тасдиқлаш тизими” яратилиб, тизимнинг амал қилаётган варианты 1992 йилда қабул қилинган.

Тизимда иштирок этиш учун мамлакатда учта шароит мавжуд бўлмоғи даркор:

1. Дори воситаларини Давлат рўйхатидан ўтказиш идораси ва тизимнинг мавжудлиги.

2. Ваколатли идоралар томонидан фармацевтика корхоналарини мунтазам равишда инспекциядан ўтказиш.

3. Амалдаги корхоналарнинг GMP (Good manufacturing practices – Яхши ишлаб чиқариш амалиёти қоидалари) талабларига мос келиши.

GMP – умумий бошқарув қоидалари бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларива назорат синовлари ўтказиш тартибини белгилаб, ҳамда чиқаришни тури, замонавий усулда олиб бориш бўйича минимал амалий кўрсатмаларни ўз ичига олади.

Охириги йиллар GMPда янги қоидалар ва стандартлаш халқаро ташкилотида (Интернационал Организатион фор Стандартизатион ИСО) бир қатор ҳужжатлар, яъни ИСО 9000-9004 деб номланувчи стандартлар юзага келган бўлиб, дастлаб киритилган тушунчаларни анча ривожлантирди ёки сифатни бошқариш, валидация ва ҳақозо муҳим ҳолатларни биринчи марта ўз ичига олган, шунингдек айрим дори воситалари гуруҳини ишлаб чиқаришга тегишли қоидаларни қўлланиш соҳасини кенгайтиради. Бундан ташқари, охириги йилларда Ўзбекистонда GMP қоидалари талаблари маълум бир даражада эътиборга олинган янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Ҳужжат тиббиёт эҳтиёжидagi дори воситаларини ишлаб чиқариш, ҳамда сифатини назорат қилиш бўйича қоида ва талабларни ўз ичига олган мажмуадан иборат. Унинг қоидалари шунингдек, тайёр дори воситалари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган дори моддаларининг охириги босқичига ҳам тааллуқлидир.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришга ва уларнинг айрим гуруҳларига қўйиладиган талаблар махсус меъёрий ҳужжатларда тўла акс эттирилган бўлиши керак.

Ушбу соҳавий стандарт қайси идорага ва мулкчиликнинг қайси шаклига мансублигидан қатъий назар, дори ишлаб чиқарувчи барча корхона ва ташкилотларга бажариш учун мажбурийдир.

Ушбу ҳужжат қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади: атамашунослик, сифатни бошқариш, ходимлар, бино ва хоналар, жиҳозлар, ишлаб чиқариш жараёни, ҳужжатлар, валидация, реклама ва бозор, тақриз, ўз-ўзини текшириш. Ҳужжатларнинг охириги икки бўлими биринчи марта киритилиб, “Сифатни бошқариш”, “Бино ва хоналар”, “Ишлаб чиқариш жараёни”, “Ҳужжатлар” бўлимлари эса қайта ишланган.

Меъёрий ҳаволалар:

1. ГОСТ 12.1.005-88 “Иш зонасидаги ҳавога нисбатан қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари”

2. ГОСТ Р 50766-95 “Тоза хоналар. Таснифлаш. Аттестатсия услуги. Асосий талаблар” М.Госстандарт России. 1995.

3. ОСТ 42-505-96. “Табиий саноат маҳсулотлари. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш тартиби, келишиш, тасдиқлаш”

4. ОСТ 42-506-96. “Дори воситалари ва доривор ўсимлик хом ашёлари учун меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”.

5. ОСТ 42-507-96. “Янги дори воситаларини яратиш ва саноатда қўллаш бўйича ишларни ташкил қилиш тартиби. Асосий қоидалар”.

6. ГОСТ 2874-82 “Истеъмол суви. Гигиена талаблари ва сифат назорати”.

7. ОСТ 42-504-96. “Саноат корхоналари ва ташкилотларда дори воситалари сифат назорати. Асосий қоидалари”.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи:
“OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этишда мавжуд бино конструкциясидан келиб чиқиб, фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш имконини берадиган лойиҳа чизмаси чизилади.

Қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади ва керакли асбоб-ускуналар олиб келиб жойлаштирилади. Керакли хужжатлар тайёрланиб, ишлаб чиқаришга рухсат олинади ва фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Маҳаллийлаштириш дастурига асоасан Фарғона вилоятида “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этилади ва бу корхонада 15 нафар касб-хунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланади. Шу билан бирга вилоят аҳолиси ва даволаш профилактика муассасалари сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминланади.

Иш тузилмасининг тавсифи: диссертация иши 87 бетда ёзилган бўлиб, кириш қисми, адабиётлар шарҳи ва уч боб фармацевтика фаолияти, Фарғона вилоятида “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ фармацевтик корхонаси ташкил этиш, корона лойиҳасини ишлаб чиқиш, керакли асбоб-ускуналар танлаш, фармацевтик эритмаларни ишлаб чиқариш борасида олиб борилган иизланишлар натижалари, боблар якунида муҳокамалар ва умумий хулосалар келтирилган. Илмий тадқиқот натижалари 8 жадвал ва 27 расмда ўз аксини топган. Адабиётлар рўйхати 52 та манбадан иборат. Мавзуга оид 2 та мақола ва 2 та тезис чоп этилган.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1. Жаҳон фармацевтика бозорининг асосий тенденциялари ва истиқболлари.

Фармацевтика бозори (ФБ) ва унинг сегментларини ўрганишда муҳим бўлган икки омил аҳамиятга эга: биринчи навбатда, Фармацевтика бозори иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи ижтимоий аҳамиятли бозори ҳисобланади, иккинчидан, деярли дунёнинг исталган мамлакатада жамиятнинг ижтимоий ривожланиш манбаи бўлиб ҳизмат қилмоқда. Фармацевтика маҳсулотларини юқори технологиялар ва замонавий илм-фан ютуқларинини қўллаб ишлаб чиқариш турли хўжалик тармоқларини жумладан – илм-фан, кимё, кимё саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, мамлакатда Фармацевтика саноатининг ривожланиш даражаси соғлиқни сақлаш тизимининг нормал фаолиятининг кафолати, аҳолининг меҳнат қobiliятини сақлаш, унинг турмуш сифатини ошириш кафолатидир. Жаҳон Фармацевтика бозори (ЖФБ) ҳалқаро иқтисодиётидаги энг даромадли ва тез ривожланаётган бозорларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётнинг инқирозга юз тутишига қарамасдан, ФБ динамик равишда ривожланиш давом этмоқда. АҚШ нинг соғлиқни сақлаш тармоқларини ахборот, ҳизмат ва технологиялар билан таъминловчи “IMS Health” ташкилотининг башоратига кўра, унинг ҳажми 2020 йилгача 1,5 трлн. долларга етади[38,45].

ФБ нинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда:

- техноген омиллар таъсирида ва экологик шароитни ёмонлашуви ҳисобига юзага келадиган касалликка чалинган беморларнинг умумий сонининг ўсиши;
- ривожланган мамлакатларда "аҳолининг қариши" тенденцияси;

- ривожланаётган мамлакатлардаги аҳолининг даромадлар даражасини ошириши, бу эса қимматроқ дори-дармонлардан фойдаланишни рағбатлантиради.

Фармацевтика бозори бозор рақобати механизмлари асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш субъектларининг ўзаро боғланган иқтисодий тизимидир. ФБ таркибига ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, дистрибьюторлар ва дорихоналар тизими киради. Жаҳон миқёсида ЖФБ тақсимотини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2006 йилда Шимолий Америка, эвропа ва Япония жаҳон бозорининг деярли 84 фоизини эгаллаган.

Бозорнинг монополлашуви учинчи дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатди, бу эса бир қатор давлатларнинг уни қайта ташкил этишига туртки бўлди. Учинчи дунё мамлакатларида ФБнинг ривожланиши кўп жиҳатдан жаҳон бозорини халқаролаштириш тенденциялари билан белгиланади, шунинг учун келажакда унинг турли жиҳатларини ўрганиш ўта долзарбдир. Ривожланаётган мамлакатларда Фармацевтика бозорида ўсиш 2019 йилга келиб деярли 12 фоизга етиши кутилмоқда, жаҳон бозорида статистик маълумотларга кўра ўртача ўсиш кўрсаткичи йилига 4,5 фоизни ташкил этмоқда. Хусусан, Хитой, Бразилия, Ҳиндистон ва Россияда юқори ўсиш кўрсаткич натижалари қайд этилиши башорат этилмоқда [25,26,38,45].

Дори-дармон бозорининг барқарор ва самарали ишлаши ва унинг учинчи дунё мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини тушуниш учун унинг тузилишини чуқур таҳлил қилиш зарур. ЖФБ ривожланаётган давлатлардаги ҳолатини таҳлил қилиш, унинг ривожланишидаги муаммоларни ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш муҳим вазифалардан биридир.


Бундан мақсад бозорнинг таркибий қисмларини (элементларини), уларнинг Фармацевтика маҳсулотлари муомаласи соҳасида ўзаро жойлашишларини ўрганишдир. Вазифа қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ЖФБ ҳолатини таҳлил қилиш;
- ФБ ривожлаиш тенденцияари ва муоммоларини аниқлаш;
- Фармацевтика бозорининг самарали ишлаш жараёнларини тушуниш.

«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти» маълумотиға кўра ЖФБ 2015 йилда умумий ҳажми 1.1 миллиард АҚШ долларини ташил этди. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорининг тузилишини ва унинг таркибини кўриб чиқилди.


АҚШ ва Ғарбий Европадаги бугунги Фармацевтика саноатининг ўзига ҳос жиҳати бўлиб ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларини қўллаш ҳисобланади. Ушбу мамлакатларнинг савдо ҳажми 500 миллиард доллардан зиёдроқ ва харажатлари 70 миллиард доллардан ошган энг йирик 20 компанияси "Катта Фарма" (Big Pharma) деб номланувчи гуруҳга киритилан. ЖФБнинг энг муҳим жиҳати - талабнинг жўғрофий тузилмасида ўзгаришдир. Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатлар Фармацевтика бозорини ривожланиш жараёнига асосий ҳиссаларини қўшмоқдалар[45,50].

1-расмда 2010 йилда ЖФБнинг ҳудудий таркиби кўрсатилган.




1-расм. " Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти" таснифи бўйича ЖФБнинг минтақавий таркиби, 2010 йил.

Шунингдек, келажакда 2020 йилгача бўлган даврни тавсифлаш керак (2,3-расм).



2-расм. ЖФБнинг 2020 йилдаги ҳудудий тузилмаси.



3-расм. ЖФБни ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш тенденцияси

Шу билан бирга, маҳаллий Фармацевтика саноатида сезиларли камчиликлар мавжуд:

- ички бозорда маҳалий дори-дармонларнинг улуши кичик;
- дорилар кам қийматдаги устама нархлар белгиланмоқда (женерик препаратлар);
- дори воситаларнинг аксарияти импорт қилинган хом ашёдан ишлаб чиқарилган.

ЖФБнинг ўтказилган таҳлиллари замонавий Фармацевтика тармоғида қатор хусусий жиҳатлар ва муаммолар мавжудлигини аниқлади:

1. ЖФБ ва ЖФТ (тармоқ) да таркибий қайта қуришга олиб боровчи карама-қаршиликлар, компаниянинг энг эҳтимолий ЖФБ ва тармоқда ривожлантириш йўналишларини кўрсатиб берувчи стратегиясини тузатиш билан шуғулланиш.

Шунинг учун, кўпроқ компаниялар маъмурий вазифалари (44%), тадқиқот ва ривожлантириш (43%) ва ривожланаётган мамлакатларда савдо идоралар (51%) узатишни режалаштирмоқда[45,50].

Дунё бўйлаб ривожланаётган мамлакатларда кўплаб компаниялар административ функцияларни қайта тақсимлашни (44%), илмий-тадқиқот (43%) ва савдо (51%) томондан кетмоқда. Шунинг учун мос равишда, битта оригинал тиббий маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ошади ва бу МФБ учун асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

2. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларини самарадорлигини камайтириш ва "Big Pharma" компаниялари томонидан харажатлар сезиларли даражада ошиши кузатилади. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларига дунё бўйича харажатлар 80% ортган, янги дорилар 43% га камроқ миқдорда рўйхатдан ўтган.

Шундай қилиб, глобал Фармацевтика бозор таркибини ўрганиш натижасида ишлаб чиқаришда барқарор ва ишлаб чиқаришда маҳалийлашган ЖФБ ни турғунлигини йўқотади, ривожланаётган мамлакатлар фойдасига сурилиш кузатилади, "Катта Фарма" (Big Pharma) деб номланувчи гуруҳга кирган истиқболли компаниялар Ғарбий Европа

ва Қўшма Штатлардаги энг йирик компаниялари иш жараёнида пасайишлар кузатилади.

Жаҳон Фармацевтика бозорида ривожланиш тенденциялари куйидагилардир:

- ишлаб чиқариш қувватларининг концентрациясининг юқори даражаси;
- Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларини қўллашдаги харажатларининг ўсиши;
- ЖФБни қайта ташкил этишда трансмиллий компаниялар устунлигидан енгиб ўтишда ривожланаётан мамлакатларни ва учинчи дунё мамлакатларини фаоллаштириш;
- трансмиллий компаниялар шериклари билан ҳамкорлик қилиш ва кластерли тузилмаларни шакллантириш истаги[40].

2. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатининг ривожланиш тамойиллари.

Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, фармацевтика тармоғидаги ишларнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш тиббиёт муассасалари ва аҳолининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминланиши устидан тизимли мониторинг ва назорат, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт техникаси ҳолатининг лозим даражадаги ҳисоби ва таҳлили мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини

ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмаяпти[28,31].

Деярли тайёр маҳсулот бўлган импорт хом ашёсидан фойдаланган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалган амалиёти ҳамда технологик жараёнларнинг паст даражада эканлиги юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда. Шу ва бошқа мауммоларни ҳал қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди [4].

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг таклифига кўра:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази;

- Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти;

- Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти;

- «Шарқ табobati» илмий-тадқиқот институти Агентлик таркибига киритилди.

3. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш орқали ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ҳамда тиббиёт техникалари билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш;

- фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда юқори сифатли, рақобатбардош дори

воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳамда уларни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашиш;

- аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари, шу жумладан уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган турлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, шу асосда ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, чет эл инвестицияларини, шу жумладан хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини кенг жалб қилиш;

- дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ташкил этиш;

- Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, шунингдек, уларга қатъий нархларни ўрнатиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритишда бевосита иштирок этиш;

- дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етакчи чет эл фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишга кўмаклашиш;

- дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот деб топиш учун мезонларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

- дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

- давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникаларининг ҳисоби ва реестри юритилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

- давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- фармацевтика тармоғига халқаро стандартларнинг жорий этилишини мувофиқлаштириш[2,3,4].

Агентликка куйидаги ҳуқуқлар берилди:

- давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мамлакат фармацевтика тармоғини ривожлантиришни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

- Агентлик ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш ва олиш;

- дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини, шу жумладан чет элдан импорт қилинаётганларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлаш;

- Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компанияларининг юқори малакали ходимларини ва мутахассисларни жалб қилиш;

- фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан тўғридан-тўғри маълумот алмашиш;

- фармацевтика тармоғининг эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш ва фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларни бошқариш масалаларини келишиш;
- белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот материаллари, даврий нашрлар ва бошқа босма маҳсулотларни чиқариш ҳамда тарқатиш;
- фармацевтика корхоналарини GMP қоидаларига мувофиқлиги юзасидан сертификациядан ўтказиш;
- фармацевтика тармоғи мутахассисларининг малакасини ошириш [3,4].

Агентлик қисқа қилиб айтганда республикадага фармацевтика тармоғини назорат қиладиган ва ривожлантирадиган ташкилот сифатида ташкил этилди.

2017 йил 3 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди [10].

Ушбу фармонга мувофиқ мамлакатимизда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, соҳага йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда доривор ўсимликлар хомашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш белгиланди.

Зоминда 2018-2020 йилларда умумий қиймати 95 миллион доллар бўлган 6 инвестицион лойиҳа амалга оширилиши белгиланди. Мазкур лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши 400 дан зиёд кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Ҳозир ушбу лойиҳалар доирасида Россия, Латвия, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон давлатларининг потенциал инвесторлари билан учрашув ва

музокаралар олиб борилмоқда. Жумладан, умумий қиймати 80 миллион доллар хорижий инвестиция бўлган учта – “Цефазолин натрий, цефтриаксон натрий, ампициллина тригидрат ва стерилланган доривор маҳсулотлар чиқариш” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Хитой давлатининг “Long Sheng” компанияси билан келишувга эришилди.

Мазкур эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият муддати кейинчалик узайтириш имкони билан 30 йил этиб белгиланган бўлиб, ушбу ҳудудларда алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиблари амал қилади [2,3,10].

Тошкент вилояти Паркент туманида “Паркент-фарм” ва Бўстонлик туманида “Бўстонлик-фарм” эркин иқтисодий зоналари ташкил этилди. Эркин иқтисодий зоналарнинг бугунги кун талаблари асосида фаолият юритишини таъминлаш мақсадида туманларда махсус комиссиялар тузилди.

Айни пайтда “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зонасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

– Туманнинг Қорақалпоқ маҳалласи ҳудудида доривор ўсимликлар етиштириш ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 17 гектар ер майдони ажратилди;

– Ҳудудда умумий қиймати 21 миллион доллардан зиёд бўлган 7 истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу 250 га яқин иш ўрни яратиш имконини беради.

Лойиҳада қатнашаётган “Равнақ давр инвест” масъулияти чекланган жамиятига тумандаги Бўстон маҳалласи ҳудудидан 15 хилдаги доривор ўсимликлар етиштириш учун 18 гектар ер майдони ажратилган. “Сўқоқ гилоси” фермер хўжалиги томонидан туман ҳудудидаги 53 гектар ер майдонида 50 хил доривор ўсимликлар етиштирилиб, қайта ишлаш заводи курилади. “Замона Раъно” масъулияти чекланган жамиятига Бошқизилсой маҳалласидан доривор гиёҳларни ўстириш ва корхона бино-иншоотлари куриш учун 122 гектар ер майдони ажратилган. Айни пайтда ушбу

худудларда амалга ошириш мумкин бўлган қўшимча лойиҳаларнинг манзилли рўйхати ҳамда тармоқ жадвалларини шакллантириш ишлари давом этмоқда [10,41,42].

Бўстонлик туманидаги “Бўстонлик-фарм” эркин иқтисодий зонасида ҳам ишлар жадал олиб борилмоқда. Тумандаги “Кичиксой” маҳалла фуқаролар йиғини худудида доривор ўсимликлар етиштириш ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳалар учун 104,5 гектар ер майдони ажратилган.

Келгусида “Бўстонлик-фарм” эркин иқтисодий зонаси худудида умумий қиймати 46 миллион доллардан ортиқ 4 истиқболли лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бу билан 230 га яқин кишининг доимий бандлиги таъминланади.

“Бойсун-фарм” эркин иқтисодий зонасида мамлакатимизнинг фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш учун маҳаллий ва хорижлик сармоядорлар жалб этилиб, уларнинг самарали инвестиция лойиҳаларини руёбга чиқаришга қулай шароитлар яратилмоқда. Бу жараёнда амалга оширилаётган ишлар маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли дори-дармон билан таъминлаш кўламини кенгайтиради. Доривор гиёҳларни маҳаллий шароитда қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ер ресурслари ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда, кўплаб сердаромад янги иш ўринлари яратилади.

Тоғли туманнинг ер ресурслари ва шифобахш гиёҳларидан оқилона фойдаланиш жорий этилиб, ноёб доривор ўсимликлар исроф бўлишининг олдини олиш ва уни миллий иқтисодиётимиз ривожига йўналтириш борасидаги ишлар таҳсинга сазовордир.

Тоғли туманда аниқланган ва ёввойи ҳолда ўсадиган 20 дан ортиқ доривор гиёҳни маданийлаштириш чоралари кўрилмоқда. 10 га яқин маданийлаштирилган шифобахш ўсимликларни етиштириш йўлга

кўйилаётир. 13 турдаги доривор гиёҳлардан саноат плантацияси яратиш мўлжалланмоқда. Эркин иқтисодий зонани ташкил этиш учун тумандаги “Сайроб” хўжалигининг Хўжабулғон участкаси ҳудудидан 39,5 гектар ер майдони ажратилган. Доривор гиёҳларни етиштириш ва қайта ишлаш истагини билдирган инвесторларнинг ташаббуслари ўрганилиб, қўллаб-қувватланмоқда. 15 турдаги тиббиёт буюмлари ва дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни ташкил этиш учун 44,2 миллион доллар қийматидаги лойиҳа сметаси ишлаб чиқилган. “Бойсун-фарм” плантацияларида маҳаллий шароитда ўсадиган мойчечак, олабўта, занжабил, арслонқуйруқ, наматак, тирноқгул, гулхайри, қирқбўғин, бўригул, кийик ўти, ковул каби кўплаб гиёҳлар билан бирга, бошқа минтақаларга хос стевия, рахитака, трифала, шанкха пушпи, финлантус нирури, папайя сингари ноёб ўсимликларни етиштириш ҳам режалаштирилган[10,45].

Наманган вилоятининг Косонсой туманида “Косонсой-фарм” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди. Эркин иқтисодий зонага тадбиркорлар таклиф этилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад қуйидагилардан иборат;

- Республикамизнинг фармацевтика тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- Доривор ўсимликлар хомашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инобатга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш;

- Уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори сифатли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- Вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринларини яратиш ва вилоятимиз аҳолиси даромадларини ошириш;

- Ички бозорни кенг турдаги ҳаммабоп, сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ тўлдириш ва вилоятимиз саноат салоҳиятини ривожлантириш масалаларини ҳал этиш.

“Косонсой-фарм” эркин иқтисодий зонаси ташкил этиш мақсадида Косонсой тумани “Намуна” массивидан дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун 32,0 гектар, доривор ўсимликларни етиштириш плантациялари учун “Бухоро” массивидан 100,0 гектар ер майдони ажратилди.

Худудда фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида 2018-2019 йилларда қиймати 27 млн долларга тенг 17 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида 37 турдаги фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва уларнинг бир қисми экспорт қилинади.

Нукус шаҳрида “Nukus Med Tex” МЧЖ томонидан тиббий буюмлар, “Berlin farm” МЧЖ томонидан онкологик дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Тўрткўл туманидаги “Тўрткўл шиша идишлари” МЧЖ да фармацевтика шиша идишлари тайёрланади.

Чимбой туманидаги “Lanextrakt” қўшма корхонасида қизилмия илдизидан экстракт ишлаб чиқарилади. Корхонада йилига 30 минг тонна қизилмия илдизи қайта ишланиб, 1,3 минг тонна экстракт тайёрланади. Хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхонада 200 иш ўрни яратилган.

Вилоятда бундай илғор корхоналар талайгина. “Река мед фарм”, “Темур мед фарм”, “Амалий мед фарм”, “Коди фарм”, “Муслима мед фарм” сингари саноат субъектлари шулар жумласидан. Эътиборлиси, уларда тайёрланаётган инфузион эритмалар ва бошқа препаратлар тиббиёт тизимида қўлланиладиган энг зарур дори воситалари сирасига киради.

Яъни бу малҳамлардан деярли барча муолажа жараёнларида кенг фойдаланилади[2,3,4,10].

Гулистон шаҳридаги “Сарбон текс” корхонасида пахта толасидан тиббиёт бинтлари ва бошқа ашёлар тайёрловчи технологик линиялар ҳаракатга келтирилди. Ҳадемай, дастлабки босқичда 5, келгусида эса 14 турдаги шприц ишлаб чиқарувчи “Гулистон мед техника” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ҳам фойдаланишга топширилади. Мутахассисларнинг фикрича, 2018 йилга бориб, Испания технологияси асосида фаолият кўрсатувчи ушбу субъект маҳсулотларининг тенг ярми экспортга йўналтирилади.

Сирдарёда фармацевтика саноати жадал равнақ топиши билан уларга ҳамкор корхоналар ҳам пайдо бўлаяпти. Сирдарё туманидаги “Сир универсал ойна” ҳамда “Фарм пласт” ана шулар сирасидан. Дори-дармонлар учун идишлар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур қувватлар ишга туширилгач, қадоқлаш ашёлари тайёрлаш ҳам тўлиқ маҳаллийлаштирилади. Ўз навбатида, бу, маҳсулот таннархи янада арзонлашишида муҳим омил бўлади.

Яна бир диққатга молик далил: дори воситалари тайёрлашда, асосан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани муваффақиятлар кўламини кенгайтираётир. Жумладан, Боёвут туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Sirdarya Licorice Extract” қўшма корхонасида шифобахш ўсимликдан олинаётган экстракт бошқа соҳалар қатори фармацевтика саноатида ҳам кенг қўлланилади. Бинобарин, яқинда “Сирдарё дори-дармон” масъулияти чекланган жамиятида қизил дўлана, тоғрайхон, жағжағ, кийикўт сингари доривор ўсимлик турларидан фиточойлар ва бошқа дори воситаларини қайта ишлаш ҳамда қадоқлаш йўлга қўйилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган инфузион эритмалар миқдори республикаимиз ички эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди. Бунда Сирдарё туманидаги “Река мед фарм” қўшма

корхонасининг ҳиссаси, айниқса, катта. Бу ерда ойига 2 миллион дона флаконга 19 номдаги дори қуйилиб, юртимиз ҳамда чет элдаги тиббиёт муассасаларига етказиб берилаяпти. Масалан, сўнгги икки йил давомида жамоа томонидан 637 минг АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 1 миллион долларга етказиш кўзда тутилаяпти.

Шу тумандаги яна бир қўшма корхона — “Темур мед фарм” да амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланишлар ҳам эътиборга молик. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъекти доришунослари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб “Флуконазал” инфузион эритмаси тайёрлашни йўлга қўйди. Шунингдек, “Офлаксацин” антибиотигини ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди [7,10,45].

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016-йил 31-октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаяпти.

Мазкур ҳужжатда маҳаллий хомашё, жумладан, доривор ўтлар асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, аҳолига сифатли ва арзон дори-дармон воситаларини етказиб беришга доир муҳим йўналишлар белгиланган. Қарорда кўзда тутилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда Тошкент фармацевтика институти томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда [6,37].

– Мамлакатимизда фармацевтика соҳасида олиб борилган илмий изланишлар, соҳа мутахассисларининг тўплаган бой тажрибаси самарасида юртимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар соғлиқни сақлаш тизими амалиётига кенг жорий этилмоқда. Институтимизда дорилар технологияси ва фармация ишини ташкил қилиш, фармацевтик кимё ва фармакогнозия, фармакология ва клиник фармакология ихтисосликлари бўйича олий

малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланмоқда. Соҳада фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини изчил давом эттириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг тажрибасини оширишда назария ва амалиёт ҳамоханглигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабаларнинг амалиёт ўташи учун корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари корхоналар билан ўзаро тузилган шартномалар асосида дори воситаларини стандартлаш устида иш олиб боради. Бундан ташқари, институт қатор илмий-тадқиқот марказлари, етакчи олий таълим муассасалари ва маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчилари билан илмий-техникавий ҳамкорлик қилмоқда.

Ўтган йили институт олимлари юртимизда етиштирилаётган тиканли артишок хомашёси асосида гепатопротектор ва ўт ҳайдовчи таъсирга эга бўлган фитовосита – аллтромбосепин янги дори препаратини яратиш технологиясини ишлаб чиқди. Бундан ташқари, институтда маҳаллий хомашёлардан яллиғланишга, аллергияга, диабетга қарши ва регенератив хусусиятга эга аппликатсион фитодерматологик дори турлари, антитромбоген юмшоқ дори шакллари, гериатрия амалиётида қўлланиладиган гиполипидемик восита – пирацин дори шаклини ишлаб чиқиш ва стандартлаш каби лойиҳалар амалга оширилди [22,23,30].

IX Инноватсион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида институт ходимлари тозаланган олтингугурт капсулалари, қаттиқ сочилувчан наноўлчамли ёднинг β -сиклодекстринли комплексини олиш технологиясини, «Кобалт-30» таблетка препаратининг янги дори шакли, "Стифлос" пешоб ҳайдовчи йиғмани, яллиғланиш ва гижжа инвазиясига қарши «Мекритин» дори воситасини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётида жорий этиш каби қатор илмий ишланмалар билан иштирок этди. Ярмаркада фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар билан 535 миллион 500 минг сўмлик шартномалар тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 23-апрелдаги “Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги баёнида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили институт олимлари томонидан яратилган ва тиббиётда қўллаш учун рухсат олинган 65 препаратнинг меъёрий-техник хужжатлари ишлаб чиқариш учун Агентликка топширилди.

Мазкур олий таълим муассасаси илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш бўйича Буюк Британия, Полша, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина каби давлатларнинг бир қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланадиган, юқори самарадорликка эга, импорт ўрнини босувчи дори воситалари технологияларини яратиш борасида ёш олимлар ҳам кўплаб ютуқларга эришмоқда. Аваз Шарипов ана шундай изланувчан ёш олимлардан. Унинг таъкидлашича, юрак-қон томир тизими хасталикларида антикоагулянт ва антиагрегант дори воситалари жуда зарур. Ушбу хасталикларни даволашда қўлланиладиган кўплаб дори воситалари хориждан келтирилади. Ёш олимнинг илмий ишида ана шундай препаратларнинг ўрнини босувчи, ошпиёздан янги, юқори самарали аллтромбосепин дори воситаси ишлаб чиқишнинг илмий ва техникавий жиҳатлари очиб берилган. Ҳозирги вақтда ёш олим маҳаллий хомашёларни қўллаб, антитромбоген юмшоқ дори шакллариининг технологиясини ишлаб чиқиш устида изланмоқда.

Мамлакатимизда фармацевтика соҳасида олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар халқимизни сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда [35,43].

3. Республика миқёсида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5229-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, республикага дори воситалари ва тиббиёт буюмлари олиб киришни янада тартибга солиш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- корхонанинг ўзи томонидан тайёрланган доривор моддалар (субстанциялар) ва бутловчи буюмлардан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тўлиқ технологик цикл бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳисобланади;

- корхонанинг ўзи томонидан тайёрланмаган доривор моддалар (субстанциялар) ва бутловчи буюмлардан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳисобланади;

- дори воситалари ёки тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қадоқлаш, истеъмол ўрами ва маркировка қилишдан ташқари барча технологик босқичлардан ўтган ҳар қандай қадоқланмаган дори воситаси ёки тиббиёт буюми «in bulk» маҳсулот деб эътироф этилади [4,5].

Ўзбекистон Республикасида Фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган корхоналар сони 152 тани ташкил этади. Улар ҳудудлар бўйича қуйидагича тақсимланган (4-расм).




4-расм. Фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши.

Расмдан кўриниб турибдики, асосий фармацевтик корхоналар Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида бошқа вилоят ва шаҳарларга дори воситаларини етказиб беришни ва шу орқали дори воситаси таннархининг ҳам юқори бўлишига олиб келади. Президентимиз фармацевтика тармоғини ривожлантириш борасида қатор фармонлар қарорлар чиқариш орқали ҳар бир ҳудудда фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва шу орқали аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш кераклиги ҳақида таъкидломқдалар. Шунингдек, нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки чет эл давлатларига ҳам дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар экспортини йўлга қўйиш, давлатга чет эл инвестицияларини жалб қилиш долзарб масала сифатида қаралмоқда. Ҳукуматимиз олдида турган яна бир

муҳим масала бу аҳоли бандлигини таъминлаш масаласидир. Агар ҳудудларда нафақат фармацевтик корхоналар, балки ҳар қандай ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши аҳолини иш билан таъминланиш даражасини ошишига хизмат қилади. Бу орқали эса аҳоли турмуш даражаси яхшиланади ва ўсиб келаётган ёш авлодни келажакда ватан равнақи учун катта ҳисса қўшишига сабаб бўлади [1,14].


Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситалари дори турлари бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, улар 36,6% таблеткалар ва капсулалар, 19,21% инъексион эритмалар, 10,3% ташқи мақсадда ишлатиладиган эритмалар, 10,34% суртма дори ва линиментлар, 11,92% доривор ўсимлик йиғмалари ва 11,63% бошқа дори турларидан иборатдир (5-расм).



5-расм. Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситалари дори турлари бўйича таҳлили.

Агар маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситалар фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, улар антибактериал (16%), иммунобиологик (2%), яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари (13%), юрак қон томири тизими касалликларини даволаш учун қўлланиладиган дори воситалар (12%),

кимёвий жараёнларни мувофиқловчи дори воситалар (11%) ва бошқалардан иборатдир (6-расм) [17,51].



6-расм. Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситалар фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича таҳлили.

Хулосалар.

Ҳозирги кунда фармацевтика бозори ва фармацевтика саноати жуда ҳам ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳозирги даврга келиб инсониятнинг онги ривожланиши ва технологияларнинг такомиллашиши ҳамда атроф-муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳисобига инсонлар ўртасида турли хил касалликларнинг авж олиши кучаймоқда. Бунинг натижаси ўлароқ аҳолининг соғлиғини сақлаш тизимини ривожланишига ва керакли дори-дармон воситалари билан таъминлангандик даражасини оширишни талаб қилмоқда. Ҳозирда ривожланган давлатларда фармацевтик бозорни таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш қувватларининг юқори даражада эканлиги,


фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини қўллашдаги харажатларнинг ўсганлиги, фармацевтика бозорини қайта ташкил этишда трансмиллий компаниялар устунлигини энгиб ўтишда ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш талаб этилишини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳукумат томонидан фармацевтика тармоғини тубдан такомиллаштириш юзасидан қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ички имкониятлардан фойдаланган ҳолатда фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва бу борада ишлар жадал билан давом этмоқда. Қатор эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди ва бу ерларда фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун қатор имтиёзлар берилди. Бу эса 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни комплекс ривожлантириш дастурининг бир қисми сифатида давлат ривожига хизмат қилади.

II БОБ АМАЛИЙ ҚИСМ.


1. Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. 2000-2016 йилларда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 32,0 Фоишдан 63,4 фоизга ўсиб, 31,4 фоиз бирликка ортган (7-расм).



7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши

Таққослаш учун бир қатор чет эл давлатларида кичик бизнеснинг ЯХМдаги улушини олиб қарайдиган бўлсак, Францияда бу кўрсаткич 62 фоизни, Италияда – 60 фоизни, Японияда – 55 фоизни, Германияда – 54 фоизни, Буюк Британияда – 53 фоизни, АҚШда – 52 фоизни, Қозоғистонда – 25,6 фоизни, Россияда – 20,0 фоизни ташкил этади (8-расм) [38,45].



8-расм. Дунёнинг турли давлатларида кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши

Бунда турли давлатларда субъектларнинг кичик бизнес соҳасига тааллуқлилиги мезонларига ҳам эътибор бериш лозим. Масалан, АҚШ да ходимлар сони 100 кичигача ҳамда йиллик айланмаси ҳажми 3 дан 12 млн.АҚШ долларигача бўлган субъектлар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Ходимлари 100 дан 500 кишигача бўлган субъектлар эса ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади. Шунингдек Россияда кичик бизнес субъектларига 100 кишигача ҳамда йиллик тушум 400,0 млн.рублигача бўлган субъектлар тааллуқли бўлади [26].


Фарғона вилоятида 2016 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 63,4 фоиз бўлиб, ўрта даражани қайд этган (1-жадвал).

1-жадвал.

**Фарғона вилоятида 2016 йил кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши**


	Йиллар				2000-2016 йилларда ўзгариш (%)
	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2016 й.	
Ўрта даража					
Фарғона вилояти	32,0	40,8	59,5	63,4	31,4

Кичик бизнес субъектларининг демографияси. Кичик бизнес субъектларининг демографияси. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва уларга қулай шарт-шаротлар яратиб бериш бўйича амалга оширалаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. 2017 йил 1 январ ҳолатига вилоятимизда рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 18783 тани ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 9209 тага ёки 1,9 баробар кўпайган (9-расм).




9-расм. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони.

2017 йил 1 январ ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича 5067 та кичик бизнес субъектлари (жами субъектларнинг 27,0 фоизи) савдо соҳасида, 4521 таси (24,1 фоизи) саноат, 1830 таси (9,7 фоизи) қурилишда, 1250 таси (6,7 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида, 964 таси (5,1 фоизи) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида, 884 таси (4,7 фоизи) юк ташиш ва сақлаш соҳасида, 1500 таси ахборот ва алоқа соҳасида (8,0 фоизи), 525 таси (2,8 фоизи) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ҳамда 2242 таси (11,9 фоизи) бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда (10-расм).




10-расм. 2017 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (жамига нисбатан фоизда)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлик. 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар сони 539,4 минг.кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 1031,8 минг.кишини, 2016 йилда эса 1214,4 минг.кишини ташкил этиб, мазкур соҳада банд бўлганлар сони 2000 йилга нисбатан солиштирилганда 675 минг.кишига ёки 2,5 баробар кўпайганлигини кўриш мумкин (11-расм).




11-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонигаги улуши 2000 йилда 52,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 69,4 фоизни, 2010 йилда 77,0 фоизни, 2016 йилда эса 80,5 фоизни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 27,7 фоиз бирликка ошган (12-расм) [7,9].



12-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонигаги улуши.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётда банд бўлганлар сонигаги улуши турли хорижий давлатлар кўрсаткичлари билан таққосланганда, Японияда бу кўрсаткич 78,0 фоизни, Италияда 71,0 фоизни, Германияда 69,5 фоизни, Буюк Британияда 56,0 фоизни, АҚШда 54,0 физни, Россияда 25,6 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (13-расм). Кўриниб турибдики, мамлакатимизда мазкур соҳанинг иқтисодиётда бўлганлар сонигаги улуши ривожланган давлатлар кўрсаткичларидан ҳам юқори даражага етган. Бу мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича аниқ, манзилли чоралар кўриляётганидан далолатдир.




13-расм. Дунёнинг турли давлатларида кичик бизнеснинг иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улуши.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни. Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг соҳада рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромади кўпайиб, фаровонлиги ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Саноат. Мазкур тармоқда кичик бизнес субъектларининг юқори суръатларда ўсиши, қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши, ресурслардан ва ишлаб

чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишга рухсат бериш шартларининг соддалаштирилиши ҳамда кичик бизнес субъектларини йирик компаниялар билан кооператсия алоқаларининг кучайиши натижасида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 2000 йилдаги 5,6 фоиздан 2016 йилда 45,4 фоизга ёки 39,8 фоиз бирликка сезиларли даража ўсди (14-расм).



14 расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улуши.

2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 3652,0 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (жами саноат маҳсулотларининг 45,4 фоизи) ёки 2015 йилга нисбатан 16,6 фоизга ўсган [36].

Сўнгги йилларда саноатнинг асосий тармоқларида, айниқса озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати, кимё ва нефт-кимё саноати ҳамда фармацевтика саноатида фаолият юритиб келаётган кичик

бизнес субъектлари сонининг ошиб бораётганлиги ва улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатлари қайд этилаётганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улушини барқарор равишда ошиб боришини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, саноатнинг сермехнат тармоқлари бўлмиш озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва қурилиш материаллари саноати тармоқларида кичик корхоналар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони 200 кишигача оширилганлиги мазкур тармоқларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сонининг кўпайишига имконият яратиб бераётганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз агросаноат мажмуасининг етакчи тармоғи бўлиб, деҳқончилик, чоравачилик ва мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичига олади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ислохотлар ўтказилиб, соҳада бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби муҳим масалаларни ҳал этишга катта эътибор берилди. Бугунги кунда фермерлик фаракати жадал ривожланиб, деҳқончиликда ғаллачилик, пахтачилик, шоликорлик, мева-сабзавотчилик ҳамда чорвачилик эса қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик йўналишларида

хамда маҳсулотларни қайта ишлаш соҳаларида фаолият кўрсатаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожланиб бормоқда.


Вилоятимизда фермер хўжаликларининг юқори суръатларда ривожланиши натижасида 2000-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 71,9 фоиздан 96,8 фоизга ошган (9-расм).

Қурилиш. Қишлоқ жойларда намунавий уйлар қуриш бўйича Ҳукумат дастурларининг қабул қилиниши кичик бизнес субъектлари томонидан республикаимизда, шу жумладан қишлоқ жойларда қурилиш ишлари ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлади. Турар жойларнинг қурилиши билан бирга, ижтимоий инфратузилма объектлари, қишлоқ врачлик пунктлари, умумтаълим муассасалари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларидаги объектларнинг қурилиши кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилмоқда.

Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қурилиш соҳасидаги улуши 2000 йилда 52,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 90,1 фоизга етиб, 37,9 фоиз бирликка сезиларли даражада ошган.

2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 1800,1 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган (жами қурилиш ишлари ҳажмининг 90,1 фоизи) ёки 2015 йилга нисбатан 23,0 фоизга ўсган.

Савдо. Вилоятда чакана савдо товар айланмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 2000 йилдаги 38,4 фоиздан 2016 йилда 92,4 фоизга етиб, 54,0 фоиз бирликка ошган (16-расм).




16- расм. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг чакана савдо айланмаси ҳажмидаги улуши (%).

2016 йилда Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмаси ҳажми 7077,6 млрд.сўмни ташкил этган (жами чакана савдо айланмаси ҳажмининг 92,4 фоизи). Шу жумладан 1427,8 млрд.сўмлик чакана савдо ҳажми (жами чакана савдо айланмаси ҳажмининг 18,6 фоизи) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига ҳамда 5649,1 млрд.сўмлик чакана савдо ҳажми (жами чакана савдо айланмаси ҳажмининг 73,8 фоизи) якка тартибдаги тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади [11].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи савдо фаолияти. Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши экспорт ҳажмида кичик бизнеснинг ҳиссасини ошириш имконини бермоқда.

Вилоятимиз экспортининг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилда 30,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 35,7 фоизга етган, яъни 4,9 фоиз бирликка ошган (17-расм).



17-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестициялар. Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес субъектларининг фаол хўжалик фаолияти юритишининг муҳим индикаторларидан бири бу киритилган инвестициялар ҳажмидир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги натижасида улар томонидан 2016 йилда вилоят иқтисодиётига 1223,8 млрд.сўмлик инвестициялар киритилди ва бу 2015 йилга нисбатан 15,2 фоизга кўпдир.

2016 йилда вилоятимиз иқтисодиётга киритилган жами инвестициялар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

улуши 50,9 фоизни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 26,2 фоиз бирликка ошган (18-расм).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоятимиз иқтисодиётига киритилаётган жами инвестициялар ҳажмидаги улушининг ошиб бориши уларнинг янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган инвестиция мақсадларида жалб қилинаётган узоқ муддатли кредитлари ҳажмининг ошиши билан боғлиқдир. Шу сабабли кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркибида ўз маблағлари ва банк кредитларининг улуши энг юқори салмоқни ташкил этади [11,36].



18-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажмидаги улуши.

Статистик кўрсаткичлар динамикаси шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти йил сайин ошиб бормоқда. Мазкур соҳалардаги ижобий тенденцияларга бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва хусусий мулкни

ҳимоя қилишга оид тизимли комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобига эришилмоқда.

2. 2017-2020 йилларда Фарғона вилоятида фармацевтика саноатининг ривожланиш истиқболлари.

Фарғона вилоятида фармацевтика тармоғи жадал ривожланмоқда. “2016 йил вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”га асосан 642 миллиард сўм қийматидаги ҳамда 10 миллион 341 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маблағлар ҳисобидан қарийб икки ярим мингта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Улардан 750 таси саноат, 474 таси қишлоқ хўжалиги ва қарийб 1200 таси хизматлар соҳасига тааллуқли лойиҳалардир. Бунинг натижасида 24 мингта яқин иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Республикамизда тобора тараққий топиб бораётган фармацевтика саноати тизимида фарғоналиклар муваффақиятли лойиҳаларни юзага чиқармоқдалар. Учкўприк туманида фармакология соҳасида бир неча кўринишдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

“Топ Вистор-Й” МЧЖ да меъёрий ҳужжатлар асосида бугунги кунда уч хил маҳсулот тайёрланмоқда. Булар Экоцинк сироп, экоцинк капсула ва “Водий гавҳари” бренди остида ишлаб чиқарилаётган мойчечак гуллари каби маҳсулотлар Германия, Венгрия, Латвия, Ҳиндистон, Хитой сингари давлатлардан келтириладиган дори-дармонлар ўрнини бемалол босмоқда. Йил якунига қадар ўнга яқин турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади [27,45].

Тумандаги яна бир корхона – “Меҳригиё” тиббиётнинг фитотерапия соҳасига ўсимликлар дунёсидан шифобахш дамламалар ва чойлар, косметология соҳасига эса бойитилган ёғлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Яқинда Москва шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада эса корхонада тайёрланган дамламалар, жумладан, папайя чойи диплом ва олтин медалга сазовор бўлди (19расм).



19- расм. “Мехригиё” корхонасининг “Папайя” чойи олтин медалга сазор бўлгани.

– Маҳсулотланинг халқаро даражада эътироф этилишига сабаб маҳаллий ўсимликлар асосида тайёрлангани, оммабоплиги, истеъмолга қулайлиги ҳамда таъми ҳисобланади. Эндиликда корхонада ишлаб чиқарилаётган дори воситалари чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси экологик тоза ҳамда инсон саломатлигига ножўя таъсири йўқ. Парваришланаётган папайя дарахти барги, мевасидан бу ердаги мутахассислар чойлар ва асалли дамламалар ишлаб чиқаришмоқда.

Субтропик минтақаларда ўсадиган папайя ўсимлиги ҳудудда иқлимлаштирилди ва ўсимлик асосида дори воситалари ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Қуйидаги 20-расмда папайя ўсимлиги плантацияларини кўриш мумкин.



20-расм. Папайя ўсимлиги плантациялари.

Субтропик, континентал хуудлардан келтирилган гожжи, оққайин, зайтун, фундук сингари бутасимон ўсимлик ва дарахтлардан фойдали дамлама ва чойлар тайёрланаяпти. Шунинг учун ҳам “Меҳригиё”ни нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам билишади [27,45].

3. Аҳолини сифатли арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш борисида олиб борилаётган ишлар.

Фукароларни арзон нархларда зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек уларнинг нархларини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан улгуржи савдо учун — сотиб олинган қийматнинг 15 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, чакана савдода эса — улгуржи нархнинг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари белгиланди [1,2,5,6].

Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотишнинг тизими жорий этилди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига мувофиқ Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарорда аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг тақчиллиги вужудга келишига йўл қўймасликка қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан ушбу қарорга мувофиқ 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш фақатгина «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Ушбу корхонага ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини жорий йилнинг иккинчи ярмида қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминлаш топширилди.

Бундан ташқари, тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаш сифатини янада ошириш мақсадида ушбу фаолиятнинг фақатгина давлат

сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича янгидан жорий этилган талабларга асосан уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бўйича амалдаги лицензиялари 2018 йил 1 январга қадар қайта расмийлаштирилиши шартлиги белгиланди. Бунда қайта расмийлаштириш янги лицензияловчи орган — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади [1,2,8].

Ушбу мақсадларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қатор ишлар амалга оширилди:

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини қайта кўриб чиқиш, натижаси бўйича уни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар киритилди;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқилди;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситаларининг савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф киритилди;

дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз

бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш вазифалари юклатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Умуман олганда, қабул қилинган қарор фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолини арзон нархларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш имконини беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016-йил 31-октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори 2017-йилнинг 1-январидан кучга кирди.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотла жараёнида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш ва унинг саломатлигини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, аҳоли соғлиғини асраб-авайлаш, замонавий тиббиёт инфратузилмасини яратиш, айниқса, аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. 2016-йилда вилоятда “Дори-дармон” аксиядорлик компаниясининг 10 ижтимоий дорихонаси ишга туширилди. Бугун вилоятда “Меҳригиё”, “Top victory” масъулияти чекланган жамияти каби фармацевтика корхоналарида маҳаллий хомашё асосида биологик фаол қўшимча ва табиий гиёҳлардан сифатли дори-

дармонлар ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳар ва туманларда 600 дан зиёд дорихона аҳолига хизмат кўрсатяпти [6,27,29,].

Мазкур қарор асосида тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар жорий этилди. Бу нархлар даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган Республика комиссияси томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида ўрнатилган тартибда ҳар чорақда белгиланади. Эндиликда юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилгани учун лицензияни бекор қилиш кўзда тутилган.

Вилоятда дори-дармон воситаларининг чакана ва улгуржи савдоси назоратини жамоатчилик асосида амалга оширувчи жамоатчилик назорат гуруҳлари ва улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилган. Ишчи гуруҳ томонидан Қўқон шаҳри, Фурқат, Бешариқ, Данғара туманларидаги дорихоналар ўрганилганида, дорихона ходимларининг сотилиши зарур бўлган дори-дармонлар тўғрисида тўлиқ тушунчага эга. Барча дорихоналар сотув залида дори-дармонлар нархи талаб даражасида ёзиб кўрсатилган. Нарх-наво бир хил. Бугунги кунда шаҳар ва туманлардаги барча дорихона ва тиббиёт муассасалари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Фарғона шаҳридаги “Малҳам” хусусий дорихонасида харидорлар учун барча шароит яратилган. Энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шунингдек, шифокор рецептсиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхати кўзга кўринарли жойга илиб қўйилган.

Ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари белгиланган нархларда сотилмоқда.

– Сўнгги пайтларда аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар бизни қувонтирмоқда. Айниқса, дори-дармонлар сифати, хавфсизлиги ҳамда нархларини белгилашда очик ва ошкора механизм ишлаб чиқилгани барчани мамнун этади.

“Глобал Приме” масъулияти чекланган жамиятига қарашли дорихонада ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган арзон ва сифатли препаратлар харидорларга тавсия этилаётганини кўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, амалга оширилаётган мазкур чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолини сифатли, арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундай экан, мазкур қарор ижросини таъминлашга нафақат мутасадди ташкилотлар, балки кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро масъуллигини унутмаслигимиз даркор [6,13,15].

Хулосалар.

Ҳозирги кунда ҳар соҳада шиддат билан ривожланаётган юртимизда кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланмоқда. Бу борада тадбиркорларга қатор қулайликлар ва имкониятлар яратилмоқда. Зеро тадбиркор-юртга мададкор куч ҳисобланади. Чунки қанчалик кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланса, шунчалик давлат бой бўлади. Бунинг натижасида аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳам ортади ва турмуш тарзи ҳам яхшиланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолатда ҳозирги кунда фармацевтика саноати ҳам хусусий секторлар ҳисобига кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш, маълум бир солиқлардан озод қилиш ёки фоиз ставкаларини камайтириш, божхона тўловларида имтиёзлар бериш орқали кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш шулар жумласидандир. Бу борада ҳам

Фарғона вилоятида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан 2017 йил якунларига эътибор берадиган бўлсак, вилоят иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажмида кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 60 % га етган. Бу эса янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришига қаратилган инвестиция мақсадларида жалб қилинаётган узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг ошиши билан боғлиқ.

Вилоятда фармацевтика тармоғини ҳам хусусий сектор сифатида ривожланиш даражаси ҳам ортди. Хусусан 2016-йилда вилоятда “Дори-дармон” аксиядорлик компаниясининг 10 ижтимоий дорихонаси ишга туширилди. Бугун вилоятда “Меҳригиё”, “Top victory” масъулияти чекланган жамияти каби фармацевтика корхоналарида маҳаллий хомашё асосида биологик фаол қўшимча ва табиий гиёҳлардан сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бир қаторда аҳолини сифатли, арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда дори-дармон воситаларининг чакана ва улгуржи савдоси назоратини жамоатчилик асосида амалга оширувчи жамоатчилик назорат гуруҳлари ва улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилган. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

III БОБ.

1. “Olimjonpharm Medikal” МЧЖ ни ташкил этиш асослари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек Фарғона вилоятида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсад қилиб олиган. Бунга кўра қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилди;

Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар билан биргаликда бўш турган, фойдаланилмаётган объектлар, ишламай турган ва кам қувватли корхоналар хатловдан ўтказилганлиги ва унинг натижаси бўйича улардан келгусида самарали фойдаланишга доир таклифлар ишлаб чиқилди [11].

Фарғона вилоятида ишламай турган ва кам қувватли корхоналар, бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки бўлган объектлардан ҳамда ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлари дастури тасдиқланди ва унда қуйидагилар назарда тутилган:

- самарали фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шarti билан «нол» харид қийматида сотишга тавсия этилаётган бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари, шунингдек хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги улушлар рўйхати тасдиқланиши;

- янги кичик саноат зоналари ташкил этиладиган ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари рўйхати тасдиқланиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сон Фармони ҳамда «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сон қарорига асосан вилоят ҳокимлиги томонидан 49 та фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини хусусийлаштириш ва самарали фойдаланиш бўйича қарор қабул қилинди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкаларида кичик саноат зоналарининг дирекцияларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди;

маҳаллий бюджет ҳисобидан лойиҳалаш ташкилотларини жалб қилган ҳолда тегишли лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини, кичик саноат зоналаридан ташқарида зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва тегишли инфратузилмаларни ташкил этишни назарда тутувчи, шаҳарсозлик норма ва қоидалари, ёнғинга қарши, экология ва атроф муҳитини муҳофаза қилиш, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларини инобатга олган ҳолда тайёрланди ва тасдиқланди [7,9].

«Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ лари томонидан кичик саноат зоналари ҳудудларида йўл-транспорт, ишлаб чиқариш-муҳандислик инфратузилмаларини тиклаш ва қуриш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Фарғона вилоятининг туман (шаҳар)лари ҳокимлари томонидан «Давлат мулкини ижарага бериш марказлари» ДУК билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун республика давлат бошқарув органларига бириктириб берилган туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган

фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (майдонларни) ижарага бериш ишлари йўлга қўйилди.

Ҳукуматимиз қароридан келиб чиққан ҳолатда, Фарғона вилояти ва Марғилон шаҳарларида фармацевтик дори воситалари ишлаб чиқарадиган корхона мавжуд эмаслиги ва вилоятда дори воситаларига бўлган талабнинг юқорилиги долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек касб-хунар коллежи битирувчилари ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳукуматимиз олдида турган яна бир муҳим масалалардан биридир. Биз шу муносабат билан маҳаллийлаштириш дастури асосида Фарғона вилоятида фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш асосий масала сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Фарғона вилояти Қўштепа тумани ҳудудида айнан шундай фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилдик. Маҳаллий ҳокимият томонидан таклиф кўриб чиқилди ва бир овоздан мақулланди. Шунингдек туман ҳудудидаги қаровсиз ҳолга келган эски бино иншоотлари борлиги аниқланди ва бу иншоотларни давлат манфаатлари йўлида ишлаб чиқариш биносига айлантириш бўйича таклиф билдирилди ва ижобий жавоб олинди.

Эндиликдаги вазифа ташкил этилаётган корхонага ном танлаш бўлди ва биз “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ номладик.

Фарғона вилояти Қўштепа туманида Лангар қишлоқ фуқаролар йиғини Нуробод маҳалласи ҳудудида жойлашган “Савдо-Комплекс Бино-иншооти” фармацевтик корхона қуриш учун танланди. Бино-иншооти махсус матахассислар жалб қилинган ҳолда сесмик барқарорлиги ва конструктив тузилиши текшириб чиқилди ва меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб бериши аниқланди. Шунингдек, бино ер устки ва ер остки муҳандислик тармоқларига халақит бермаслиги аниқланди. Мутахассислар ҳулосалари расмийлаштирилди ва туман ҳокимлигига тақдим этилди.

Фарғона вилояти Қўштепа туманида Лангар қишлоқ фуқаролар йиғини Нуробод маҳалласи ҳудудида жойлашган “Савдо-Комплекс Бино-иншооти”ни ҳозирги вақтдаги бозор нарҳи ҳисобланди. Бунинг учун “Континент имкон баҳо” маъсулияти чекланаган жамияти томонидан Қўштепа тумани кўп тармоқли “Олимжон” хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг алоқа хати ва 2015 йил 19 ноябрда тузилган баҳолаш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги №238-сонли шартномага асосан ҳозирги даврга нисбатан нарҳи ҳақида ҳисобот тайёрланди.

Объектнинг қийматини баҳолаш учун буюртмачи томонидан тақдим қилинган маълумотлар ва баҳоловчи томонидан ўтказилган баҳолаш объектини ўрганиш натижаларига асосан аниқланди. Баҳолаш натижаси, икки ёндашув асосида олинган бўлиб, 01.11.2015 йил ҳолатига қиймати куйидагича кўрсаткичларни кўрсатди:

Ҳаражат усулида аниқланган қиймат, сўм: 212 811 462 сўм;

Даромад усулида аниқланган қиймат, сўм: 141 921 299 сўм;

Таққослаш усулида аниқланган қиймат, сўм:

кўлланилмади;

Мувофиқлаштирилган ўртача қиймат, сўм: 177 366 381 сўм.

Баҳолаш ишлари Ўзбекистон Республикаси “баҳолаш фаолияти тўғрисида” ги қонуни ЎзР МБМС лари ва бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан ўтказилди.

Тавсиявий қиймат сифатида баҳоловчи ҳар икки усулдаги ёндашувлари билан баҳоланган қиймати тавсия этади. 177 366 381 (бир юз етмиш етти миллион уч юз олтмиш олти минг уч юз саксон бир) сўмни ташкил қилади.

Керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди ва ҳоким қарори билан Лангар қишлоқ фуқаролар йиғини Нуробод маҳалласи ҳудудида жойлашган “Савдо-Комплекс Бино-иншооти” Кўп тармоқли “Олимжон” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан нол қийматда сотиб олинди. Албатта нол қийматда сотиб олишнинг ўзига яраша мажбурияти бор.

Мажбурият шуки, 2 йил давомида 600 млн инвестиция киритиш ва 22 нафар ишчи ўрни яратишдан иборат. Шу муносабат билан бу лойиха “2016-йилда Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури” га киритилди. Бу дастур асосида инвестиция киритиш мажбуриятларини бажариш жадвали ишлаб чиқилди (2-жадвал). Маҳаллий ҳокимият томонидан реконструкция қилиш учун руҳсат олинди [24,39,44].

2-жадвал.

Инвестиция мажбуриятларини бажариш жадвали.

№	Инвестиция тури	ИМ қиймати (млн. сум)	Инвестиция мажбуриятлари бажарилиш муддатлари							
			2016 йил I чорак	2016 йил II чорак	2016 йил III чорак	2016 йил IV чорак	2017 йил I чорак	2017 йил II чорак	2017 йил III чорак	2017 йил IV чорак
1	Объектни таъмирлаш, ободонлаштириш, йўл майдонларини текислаш ҳамда коммунал тармоқларга уланиш	260,0	20,0	40,0	40,0	40,0	40,0	30,0	30,0	20,0
2	Дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш ва ўрнатиш	300,0							150,0	150,0
3	Хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотлар сотиб олиш учун	100,0							50,0	50,0
	Жами	660,0	20,0	40,0	40,0	40,0	40,0	30,0	230,0	220,0

Давлат ракобат қўмитаси Фарғона ҳудудий Бошқармаси томонидан “Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери” (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) берилди ва бу жадвал асосида ишлар олиб борила бошланди. 21-расмда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери кўрсатилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН
ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

МУЛК ҲУҚУҚИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ
ДАВЛАТ ОРДЕРИ

№ 000154

МУЛК ҲУҚУҚИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ
ДАВЛАТ ОРДЕРИ
№ 13632

"Ўлимжон"Хусусий куп тармоқли ишлаб чиқариш га
(поддават юридик шахсининг номи ёки jisмоний шахсининг ф.и.и.)
Мулкдорнинг манзили (яшаш жойи) Куштепа тумани
Лангар ҚФЙ

паспорт серияси _____ рақами _____ ким томонидан ва қачон
берилган _____
(jisмоний шахслар учун)
Банк ҳисобварағи ва банк бўлинимаси "Агро банк"Куштепа т. ф.и.
(поддават юридик шахс бўлган - ариза берувчи учун)
Х-р20208000800211154001МФ0:00515ИНН:200180397

қийматидаги 13.0 млн.сум инвестиция киритиш
га 22-нафар ишчи урни яратиш шарти билан
"нол"қийматда
Куштепа тумани Нуробод маҳалласида жойлашган
"Савдо комплекс"бино-иншооти га мулк
(хусусийлаштирилган давлат мулкнинг номи)

ҳуқуқи берилди.
Ушбу ордер Давлат ракобат қўмитаси Фарғона вилоят
ҳудудий Бошқармаси билан 2015 йил 14 июлда
тузилган 42-сонли шартнома га асосан берилди.
(ордернинг берилиши учун)
Тасарруф этиш ҳуқуқисиз

Ордер берилган ва рўйхатдан ўтказилган сана 14.08.2015 йил

Куштепа вилоят ракобат қўмитаси
башқармачиси (ракобат қўмитаси)
қўмитаси рақиб қўмитаси
М.Турдикулов
(И.О.)

М.Т.

21-расм. Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери.

22-расмда эса юридик шахс сифатида давлат рўйхастидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома келтирилган.

Ҳазиркидан субъектларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида қўшниқ ва расмат берилган ҳужжатларнинг расмийлаштирилган тартибни тўғридан-тоғри назорат қилиш

Реестрдаги тартиб рақами: 2562 № 220

2016 й. "29" сентябр

Мазкур гувоҳнома юридик шахс: "OLIMJON PHARM MEDIKAL"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ т.б

(Ўзбек тилидаги ушбу ном)

(Юридик шахс бўлиши ҳақидаги ҳужжатларнинг, фермер хўжалиқининг учун ажратилган ер участкаси ва унинг қийматини кўрсатишлари)

Берилган:

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: ТХШ

Мулкчилик шакли: МШ

Почта манзили: 142

Юридик шахс коди: МХОБТ

Тармоқ коди: 1730206864

Солиқ тўловчининг идентификация рақами: КТУТ

26591300

ХХТУГ

71212

СТИР

304 343 259

Қўшимча маълумотлар:

М.У. "Ягона дарё" маркази

Директори: А.Р. Абдукаримов

22-расм. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома

2. "Olimjonpharm Medikal" МЧЖ да фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил учун бизнес режа мутахассислар ёрдамида ишлаб чиқилди. Унга кўра лойиҳанинг умумий қиймати 1,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, шундан 1,3 млрд. сўм давлат банкининг имтиёзли кредитлари ва 300 млн. сўм корхона ўз ҳисобидан сарфланиши кўзда тутилган.

«Olimjonpharm Medikal» МЧЖ да бизнес режага асосан тиббиёт спирти 50 мл , 5% йодни спиртли эритмаси (10 мл), 1% Бриллиант кўки (10мл) спиртли эритмаси ва бошқалар йилига 4.800.000 дона ёки бир кунда 16.000 донадан маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, яъни бир кунда 1 сменалик иш куни ҳамда бир ойда 26 кунлик иш ойи ҳамда 12 ойлик иш йили жорий этилади, бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми куйидагича булади (3-жадвал):

Маҳсулот ишлаб чиқарилиш ҳажми.

№	Маҳсулот	Ойлар		
		1 ойда	3 ойда	12 ойда
1. Ишлаб чиқариш ҳажми (дона)				
1	1% Бриллиант куки (10мл) спиртли эритмаси	100.0	300.0	1200.0
2	70% тиббиёт спирти 50 мл	200.0	600.0	2400.0
3	5% йодни спиртли эритмаси (10 мл)	100.0	300.0	1200.0
2. Сотиш нархи – минг сум.				
1	1% Бриллиант куки (10мл) спиртли эритмаси	400.0	1200.0	4800.0
2	70% тиббиёт спирти 50 мл	1050.0	3150.0	12600.0
3	5% йодни спиртли эритмаси (10 мл)	1100.0	3300.0	13200.0
3. Сотиш ҳажми минг сум.				
	Жами	215400.0	646200.0	2584800.0

Ишлаб чиқилган бизнес режа асосида керакли маблағ Қўштепа тумани Халқ банки томонидан имтиёзли кредитлар ҳисобидан ажратилиши учун керакли ҳужжатлар йиғилди ва Халқ банкига топширилди. Банк маъмурияти ҳукуматнинг тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда кредит маблағлари билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Эндиликдаги вазифа корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи бўлди. Бу йўналишда бир қатор ишлар олиб борилди. Жумладан:

- Ўзбекистон ва чет эл фармацевтик асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилари ҳақида маълумотлар йиғилди;
- Улар ишлаб чиқарган асбоб-ускуналар нархлари ўзаро таққосланди;
- Асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ўрнатиш харажатлари ҳисоблаб чиқилди;
- Тегишли давлат идоралари томонидан рухсат этилган ва давлат рўйхатдан ўтган асбоб-ускуналар танланди;
- Ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар билан музокаралар олиб борилди.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти Қибрай туманида фаолият олиб бораётган “TASHPROMXOLOD” МЧЖ билан шартнома шартлари келишилди ва имзоланди. Шартномага кўра 6000000000 сўмлик асбоб-ускуналар тайёрлаш, етказиб бериш ва ишга тушириш мажбурияти ташкилот зиммасига юкланди. Шу билан бирга 1 йиллик кафолат муддати ҳам белгиланди.

Қуйида жадвалда шартномага киритилган асбоб-ускуналар келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал.

№	Асбоб-ускуна номи	Сони
1.	Реактор 500 л ҳажмли спирт учун	1
2.	Реактор аралаштиргичли 500 л ҳажмли	1
3.	Мерник 250 л	1
4.	Экстрактор 250 л сироп тайёрлаш учун	1
5.	250 л ли суюқлик учун идиш	2
6.	10500 л ҳажмли суюқликларни сақлаш учун идиш	1
7.	750 л ҳажмли идиш қадоқланувчи эритма учун	1
8.	Насос иш унумдорлиги 1 тонна/соат	3
9.	Насос иш унумдорлиги 3 тонна/соат	2
10.	Пневматик дозатор (5-250 мл)	1

Бу асбоб –ускуналардан ташқари яна бир қатор жиҳозлар талаб этилади: доривор ўсимликларни майдалаш қурилмаси, тарозилар, моновакуумметрлар, филтрпресс, чўян ванна, идиш ювиш машинаси, лаборатория асбоб-ускуналари [47,48,49].

Эндиликдаги вазифа бинони ишлаб чиқариш жараёнига мос ҳолда қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишдан иборат. Бунинг учун “Халқ сўзи” газетасига эълон берилди ва тендер ўтказиш учун керакли ҳужжатлар тайёрланди. Қурилиш ташкилотлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Энг мақбул ва талабларга жавоб берадиган тарзда қурилиш ва монтаж ишларини олиб борадиган ташкилот билан шартнома имзоланади.

3. Фармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш учун корхона лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Эндиликдаги вазифа корхонанинг лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи бўлди.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 13 февралдаги 42-сон буйруғи билан тасдиқланган ва жорий этилган, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” асос бўлиб хизмат қилди [16,18,19].

Бунда:

- хоналарни ва асбоб-ускуналарни бажариладиган операцияларга мувофиқ равишда жойлаштириш, лойиҳалаштириш, конструкциялаш, мослаштириш ва эксплуатация қилиш талаб этилади. Уларни жойлаштириш ва конструкциялаш хатолар хавфини минимал даражага тушириш ва кесишган контаминация, чанг ва кир йиғилишини ва дори воситаси сифатига салбий таъсир этувчи ҳар қандай омилларни олдини олиш мақсадида самарали ишлатиш ва хизмат кўрсатиш имкониятини таъминланади;

- хоналарнинг атрофи-муҳити, ишлаб чиқаришнинг барча ҳимоя чораларини эътиборга олган ҳолда, бирламчи хом ашё, материаллар ва

маҳсулотларни контаминацияси хавфини минимал даражада бўлишини таъминланади;

- хоналарни лойиҳалаштириш ишлаб чиқариш жараёни операцияларни мантикий кетма-кетлиги ва талаб қилинадиган тозалик даражасига мувофиқ ҳолда амалга оширилади;

- ишлаб чиқариш зоналари самарали вентиляцияланиши ва ишлов берилаётган операциялар ва атроф-муҳитга мос равишда хона ҳаво кўрсаткичлари (жумладан, ҳарорат ва филтрлаш)ни назорат қилиш учун воситаларга эга бўлади;

- турли категорияли материаллар ва маҳсулотлар: хом ашёлар ва ўров материаллари, оралик, қадокланмаган ва тайёр маҳсулотларни, шунингдек карантиндаги, чиқаришга олинган дори воситаларини тартиб билан сақланишини таъминлаш учун, омборхона зоналари етарли даражада сиғимли бўлиши талаб этилади;

- қоидага мувофиқ, сифатни назорат қилиш лабораториялари ишлаб чиқариш зоналаридан ажратилган бўлиши керак. Бу айниқса, бир-биридан ажратилган бўлиши керак бўлган биологик, микробиологик препаратларни ва радиоизотопларни назорат қилиш лабораториялари учун муҳим;

- ишлаб-чиқариш асбоб-ускуналари ўзига белгиланган вазифаларга мувофиқ лойиҳалаштирилди ва жойлаштирилди;

- асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш маҳсулот сифатига хавф тўғдирмаслиги ҳисобга олинди;

- ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари осон ва яхши тозалаш имкониятини берадиган қилиб лойиҳалаштирилди;


- ишлаб чиқариш биоларининг электр таъминоти ва электр билан ёритиш тармоғи, қурилиш меъёрлари қоидалари ҳамда амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштирилди. Барча ишлаб чиқариш маиший-санитария хоналари ва сақлаш хоналари, айниқса кўз билан назорат қилинадиган хоналарда яхши меҳнат шароитларини яратиш учун етарли қувватга эга бўлган ёритиш тармоғига эга бўлиши ҳисобга олинди;

- ишлаб чиқариш биноларидаги ички сув таъминоти, канализация ва ички оқова сувларни оқизиш тизими лойиҳаси қурилиш меъёрлари ҳамда қоидалари, амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилиши таъминланди;


- дам олиш хонаси ва ошхона бошқа зоналардан ажратилган бўлиши кераклиги эътиборга олинди;

- кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари, хожатхона фойдаланувчи ходимлар сони эътиборга олинган ҳолда ходимларга қулай қилиб жойлаштирилди.

Шу талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш биноси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қуйидаги 23,24,25-расмларда ишлаб чиқариш биноси лойиҳаси келтирилган [20,21,32,46,47].




23-расм. Ишлаб чиқариш ва омбор биноси умумий лойиҳаси.




24-расм. Ишлаб чиқариш биноси лойиҳаси:

1-эркаклар кийиниш хонаси; 2-аёллар кийиниш хонаси; 3-сех бошлиғи хонаси; 4-тозаланган сув тайёрлаш хонаси; 5-лаборатория; 6- бир кунлик хомашёни сақлаш хонаси; 7- фармацевтик эритмаларини тайёрлаш хонаси; 8- эритмаларни бирламчи қадоқлаш хонаси; 9- тайёр маҳсулотни ёрлиқлаш хонаси; 10- тайёр маҳсулотни иккиламчи қадоқлаш хонаси; 11-қадоқланган маҳсулотни сақлаш хонаси; 12- тара ва қадоқ материалларини тайёрлаш хонаси; 13-декартон; 14-вентиляция тизими; 15-коридор.



25-расм. Омборхона лойиҳаси:

1-хомашё омбори; 2-тара ва қадоклаш материаллари омбори; 3- тайёр маҳсулотни сақлаш омбори.




26-расм. Вентиляция системаси лойиҳаси.

Шу лойиҳалар асосида Фарғона вилояти Қўштепа туманида Лангар кишлоқ фуқаролар йиғини Нуробод маҳалласи ҳудудида жойлашган “Савдо-Комплекс Бино-иншооти” қуйидагича кўриниш касб этишиш режалаштирилган (27,28 расмлар).



27-расм. “Савдо-Комплекс Бино-иншооти” нинг реконструкциядан олдинги ҳолати.



28-расм. Реконструкциядан кейинги ҳолати.

Хулосалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек Фарғона вилоятида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Фарғона вилояти Қўштепа туманида Лангар қишлоқ фуқаролар йиғини Нуробод маҳалласи ҳудудида жойлашган “Савдо-Комплекс Бино-иншооти” ўрнида **“Olimjonpharm Medikal” МЧЖ** ташкил этилди. Бу бино иншооти 2 йил давомида 600 млн. инвестиция киртиш ва 22 ишчи ўрни яратиш мажбуриятини олган ҳолда “Олимжон” хусусий ишлаб чиқариш фирмасига “нол” қийматда берилди.

Бино конструкциясидан келиб чиққан ҳолда у ерда фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бизнес режа ишлаб чиқилди. Бизнес режа қиймати 1 млрд. 600 млн. сўмни ташкил етди. Бизнес режа банкка тақдим этилди ва керакли миқдорда имтиёзли кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Кейинчалик фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш учун бино лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа ишлаб чиқиш GMP талаблари асосида олиб борилди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда керакли асбоб-ускуналар танланди.

IV БОБ.

1. “Olimjonpharm Medikal” МЧЖ да ишлаб чиқариладиган фармацевтик препаратлар.

Ташкил этилган “Olimjonpharm Medikal” МЧЖ да фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш учун бино лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кейинчалик эса корхона кенгайтирилиб, бошқа дори турларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган. Бунинг учун ҳокимият томонидан қўшимча доривор ўсимлик етиштириш учун ер майдони ажратилиши маълум қилинган.

“OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖда фармацевтик дори воситаларини ишлаб чиқариш фирмасида ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган дори воситалари:

- * Тиббиёт этил спирти 70 % - 50 мл;
- * Йод 5 % ва 10 % ли спиртли эритмаси – 25 мл;
- * Бриллиант кўкининг 1 % ли спиртли эритмаси – 25 мл;
- * Дўлана настойкаси – 25 мл;
- * Валерианка настойкаси – 50 мл;
- * Арслонқуйруқ настойкаси – 25 мл;
- * Меновазин – 50 мл;
- * Камфора 10% спиртли эритма – 25 мл;
- * Тирноқгул настойкаси – 25 мл;
- * Салицил спирти – 25 мл;
- * Левомецетин спирти – 25 мл;

Бу дори препаратлари генерик дори препаратлари ҳисобланади. Уларни керакли меъёрий хужжатлар асосида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бундан ташқари доривор ўсимлик ҳомашёлари асосида суюқ экстрактлар ишлаб чиқариш имконияти ҳам мавжуд ва борада институт олимлари билан биргаликда илмий иш олиб борилди. Маҳаллий доривор ўсимликлар асосида ўт ҳайдаш хусусиятига эга бўлган дори воситасини яратиш юзасидан Фармакогнозия кафедраси профессори И.Я. Ибрагимов

ва ФМОФ доценти Н.А.Абдурахмоновалар билан биргаликда давлат гранти устида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Доривор ўсимлик хомашёлари: тоғ дастарбоши гуллари, оддий бўймадарон ўти ва доривор мойчечак гулларида иборат. Ўт ҳайдовчи йиғмадан суюқ экстракт олинган бўлиб, суюқ экстракт олиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар жумладан, ажратувчининг табиати, йиғманинг майдалилик даражаси ва ажратма олиш усули ўрганилди. Олинган суюқ экстрактдан қуруқ экстракт олинди ва тайёр маҳсулотнинг технологик хоссалари ўрганилиб, сифати сон кўрсаткичлари бўйича баҳоланди. Олинган натижалар асосида **“Ўт ҳайдовчи йиғмадан қуруқ экстракт олиш технологияси”** мавзусида илмий мақола Фармацевтика журнали 2017 йил 2-сонида чоп этилди [33,34,52].

Ўт ҳайдовчи йиғмадан қуруқ экстракт олиш учун аввалом бор ажратма олиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар ўрганилди. Хом ашё таркибидаги биологик фаол моддаларни максимал даражада ажратиб олиш, айнан мана шу омилларни ўрганиш орқали мақсадга мувофиқ кўрсаткичларни тўғри танлашга боғлиқ ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидаги ажратма олиш жараёнига таъсир қилувчи омилларни ўрганишни лозим деб топилди. Тажрибалар 50,0 г дан хомашё, ажратувчининг миқдори 200 мл, ҳарорат оддий хона ҳарорати ($+20\pm 2^{\circ}\text{C}$) бўктириш вақти 4 соат давомида олиб борилди. Белгиланган вақт ўтгандан сўнг ажратма сиқиб олиниб, 1 кун давомида тиндирилди ва филтрланди.

Ажратувчининг табиати. Бунинг учун бир хил шароитда турли хил ажратувчилар (30, 40, 50, 60, 70, 80 ва 90% этил спиртлари) ёрдамида ажратмалар тайёрланиб, улардаги қуруқ қолдиқ миқдори адабиётларда келтирилган усул ёрдамида аниқланди ва олинган натижалар 5-жадвалда келтирилди.

**Ажратувчининг концентрациясини ажратма олиш жараёнига
таъсирини ўрганиш натижалари**

т/р	Ажратувчининг концентрацияси, %	Қуруқ қолдиқ миқдори, %
1.	30	6,4
2.	40	8,6
3.	50	10,1
4.	60	12,5
5.	70	14,2
6.	80	14,2
7.	90	14,2

Расмдаги натижалардан кўриниб турибдики, ажратувчининг концентрацияси ортиб бориши билан қуруқ қолдиқ миқдори ҳам ортиб, 70% этил спирти ишлатилганда энг юқори натижа намоён бўлган (14,20%). 80 ва 90% этил спирти ишлатилганда натижалар деярли ўзгармаган. Бундан кўриниб турибдики, ўт ҳайдовчи йиғмадан қуруқ экстракт олиш учун ажратма олиш жараёнида 70% этил спиртидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хом ашёнинг майдалилик даражаси. Ўт ҳайдовчи йиғма тешигининг диаметри 0,150; 0,200; 0,250; 0,300; 0,350; 0,400; 0,450 ва 0,500 мм бўлган элаклар орқали сараланиб, ҳар бир элак устида қолган йиғмадан 50,0 г дан тартмалар олинди ва 70% этил спирти ёрдамида ажратмалар олинди. Ажратмалар таркибидаги қуруқ қолдиқ миқдори аниқланилди ва натижалар 6-жадвалда келтирилди.

**Хом ашё майдалилик даражасининг ажратма
олиш жараёнига таъсирини ўрганиш натижалари**

т/р	Йиғманинг майдалик даражалари, мм	Қуруқ қолдиқ миқдори, %
1.	0,150	11,1
2.	0,200	12,7
3.	0,250	13,2
4.	0,300	13,8
5.	0,350	14,1
6.	0,400	14,6
7.	0,450	14,4
8.	0,500	14,4

Расмдаги натижалардан кўриниб турибдики, хом ашёнинг майдалик даражаси ортиб бориши билан қуруқ қолдиқ миқдори ҳам ортиб бориб, хом ашёнинг майдалиги 0,4 мм бўлганда энг юқори натижага эришилган (14,60%). Майдалик даражаси 0,45 мм ва 0,50 мм бўлганда ҳам натижалар ижобий бўлиб, бундан кўриниб турибдики, ўт ҳайдовчи йиғмадан қуруқ экстракт олиш учун ажратма олиш жараёнида майдалик даражаси 0,4-0,5 мм бўлган хом ашёдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ажратма олиш усули. Мақсадга мувофиқ бўлган ажратма олиш усулини танлаш мақсадида, амалиётда мавжуд бўлган ҳам анъанавий ажратма олиш усуллари (мацерация, перколяция ва ВНИИФ), ҳам замонавий тзлаштирилган ажратма олиш усуллари (реперколяция, Босин ва АҚШ усуллари) фойдаланилди. Олинган ажратмалар таркибидаги қуруқ қолдиқ миқдори аниқланилди ва натижалар 7-жадвалга келтирилди.

**Ажратма олиш усулининг ажратма олиш
жараёнига таъсирини ўрганиш натижалари**

т/р	Ажратма олиш усуллари	Қурук қолдиқ миқдори, %
1.	Мацерация	10,8
2.	Перколяция	12,2
3.	ВНИИФ	12,5
4.	Реперколяция	14,7
5.	Босин	12,8
6.	АҚШ	14,2

Расмдаги натижалардан кўриниб турибдики, реперколяция усулида олинган ажратмада энг юқори натижага эришилган (14,70%). Шунингдек АҚШ усулида ҳам юқори натижага эришилган (14,20%), бироқ бу усул амалиётда деярли ишлатилмаганлиги учун ўт ҳайдовчи йиғмадан қурук экстракт олиш учун ажратма олиш жараёнида реперколяция усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

900,0 г майдаланган (0,4-0,5 мм катталиқда) йиғма тенг 3 қисмга 300,0 г дан бўлиниб, оғзи зич беркитиладиган 3 та шиша идишга алоҳида-алоҳида солинади ва ҳар бирининг устига 500 мл дан 70% ли этил спирти солинади. Сўнгра яхшилаб аралаштирилиб, оғзи ёпилади ва 4-6 соатга бўктириш учун хона ҳароратида қолдирилади. Белгиланган вақт ўтгандан сўнг идишлардаги бўккан хом ашё тагига 3-4 қават доқа қўйилган 3 та перколяторларга миқдоран ўтказилади ва хом ашё шиша таёқча ёрдамида шиббаланади. Хом ашёнинг устига филтр қоғози қўйилиб, шиша бўлакчалари билан бостирилади ва биринчи перколяторнинг устига тоза ажратувчи тушиб туришини таъминловчи бўш перколятор, учинчи перколятордан тайёр ажратмани йиғиб олувчи идиш ўрнатилади.

Ажратма олиш тезлиги қуйидаги тенглама орқали ҳисобланилади:

$$V = K\sqrt{C}$$

Бу ерда,

V - ажратма олиш тезлиги

K - доимий сон, у 0,5 га тенг

C - перколяторга солинган хом ашё миқдори

Бўш перколяторга 70% ли этил спирти солиниб, биринчи перколяторга “ойнасимон юза” ҳосил бўлгунга қадар перколяция қилинади. Сўнг биринчи перколяторнинг жўмраги очилиб иккинчи перколяторга, иккинчи перколяторда “ойнасимон юза” ҳосил бўлгандан сўнг эса бевосита учинчи перколяторга перколяция қилинади. Учинчи перколяторда “ойнасимон юза” ҳосил бўлгандан сўнг перколяторнинг жўмраги очилиб, ажратма йиғиб олина бошлайди. Ажратма олиш тезлиги ҳамма перколяторда ҳам бир хил бўлиши шарт.

Биринчи перколяторга ҳар доим тоза ажратувчи тушиб турганлиги сабабли унда биринчи бўлиб таъсир этувчи модда тугайди. Шунда биринчи перколятор ишдан чиқарилиб, тоза ажратувчи иккинчи перколяторга ўтказилади. Маълум вақт ўтгандан сўнг иккинчи перколятордаги асосий таъсир этувчи модда ҳам тугайди. Шундан сўнг тоза ажратувчи тушиб туришини таъминловчи перколятор энди бевосита учинчи перколяторга тўғриланади. Ниҳоят учинчи перколяторда ҳам асосий таъсир этувчи модда тугагандан сўнг олинган ажратма 2 кун муддатга хона ҳароратида тиндириш учун қолдирилди ва филтрланди[20,21].

Олинган суюқ экстрактдан вакуум қуритгич ёрдамида қуруқ экстракт олинди. Олинган қуруқ экстракт технологик жихатдан меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги ва ҳаводаги намликни ўзига ютиб олиши маълум бўлди.

Олинган курук экстрактнинг ташқи кўриниши, сочилувчанлиги, сочилувчан зичлиги, зичланиш кўрсаткичи ва қолдиқ намлик адабиётларда келтирилган усуллар бўйича аниқланилди. Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

**Ўт ҳайдовчи йиғмадан олинган курук экстрактнинг хоссаларини
аниқлаш натижалари (n=5)**

Т/р	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари	Олинган натижалар
1.	Ташқи кўриниши		Қизил-қўнғир рангли, ўзига хос хид ва таъмга эга, гигроскопик, сочилувчан ва тўзғувчан кукун
2.	Сочилувчанлик	кг/с 10 ⁻³	йўқ
3.	Сочилувчан зичлик	кг/м ³	212,3 кг/м ³
4.	Зичланиш кўрсаткичи	К	1,3 К
5.	Қолдиқ намлик	%	8,6%

Ўт ҳайдовчи йиғмадан олинган курук экстрактнинг хоссаларини аниқлаш натижалари қуйидаги 8-жадвалда келтирилган бўлиб, ундан кўриниб турибдики, курук экстракт қониқарсиз технологик хоссаларга эга, яъни унинг сочилувчанлиги йўқ, сочилувчан зичлиги 212,3 кг/м³, зичланиш кўрсаткичи 1,3 К ва қолдиқ намлиги 8,6% ни ташкил этган. Бундай салбий технологик хоссаларни намоён этган курук экстрактдан капсула дори шакли олиш имкониятининг йўқлиги, унинг таркиби учун мақсадга мувофиқ бўлган ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини шунингдек, мўътадил технологияни танлашни тақозо этади. Эндиликда курук экстрактни технологик хоссаларини яхшилаш устида тажрибалар олиб борилмоқда [17,20,21].

2. Ташкил этилган фармацевтик корхонанинг амалий аҳамияти.

Фарғона вилояти Қўштепа туманида Лангар қишлоқ фуқаролар йиғини Нуробод маҳалласи ҳудудида жойлашган “Савдо-Комплекс Бино-иншооти” ўрнида ташкил этиладиган “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ да фармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши орқали вилоят аҳолисини сифатли ва арзон дори воситалари билан имкони юзага келади. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирибчилари ва аҳоли бандлиги таъминланади. Туманнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига маълум миқдорда ижобий таъсир кўрсатилади.

Корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, албатта ишлаб чиқариш билан биргаликда дори воситалари турларини ассортиментини кенгайтириш ишлари ҳам олиб борилади. Қаттиқ дори шакллари- таблетка, капсула, гранула, кукунлар; юмшоқ дори шакллари- суртмалар, кремлар, геллар; инъекцион дори турлари; инфузион дори турлари; субстанциялар ва бошқаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилган. Бу орқали нафақат республика фармацевтика бозорини, балки чет эл фармацевтика бозорларини ҳам корхонада ишлаб чиқарилган дори воситалари билан таъминлаш имкони юзага келади. Бу эса мамлакатимизга чет эл валютасини кириб келишига сабаб бўлади ва туман, вилоят қолаверса, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига олиб келади. Чет эл фирмалари билан қўшма лойиҳалар тузиш имкони юзага келади ва фаол инвестициялар жалб этилади [5,8].

Шунингдек, туманда жойлашган ер майдонлари жуда ҳосилдор ва иқлими мўтадил ҳисобланади. Бу эса доривор ўсимликлар ўстириш ва улардан дори воситаларини тайёрлашда айнаи муддао. Бошқа минтақаларда ўсадиган доривор ўсимликларни иқлимлаштириш орқали катта плантацияларни яратиш имкониятига ҳам эгамиз. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда айнан Ўзбекистонда ўстирилган доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланган дори воситаларига бўлган талаб анча катта. Бунга сабаб ҳам бизнинг мамлакат экологик тоза ҳудуд

ҳисобланиши ва доривор ўсимликларнинг биологик самарадорлиги юқорилиги ҳисобланади. Масалан, қизилмия, ковул, валериана доривор ўсимлик хомашё ва доривор воситалари бевосита чет элга экспорт қилинмоқда. Бу соҳага ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан жуда кенг имкониятлар яратилган ва катор давлат дастурлари ҳам ишлаб чиқилган.

Хулосалар.

Ташкил этиладиган корхонада ишлаб чиқариладиган препаратлар халқ эҳтиёжи учун жуда ҳам зарур дори-дармон воситалари ҳисобланади. Бу орқали аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситаари билан таъминлаш имконияти юзага келади.

Корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, албатта ишлаб чиқариш билан биргаликда дори воситалари турларини ассортиментини кенгайтириш ишлари ҳам олиб борилади. Қаттиқ дори шакллари- таблетка, капсула, гранула, кукунлар; юмшоқ дори шакллари- суртмалар, кремлар, геллар; инъекцион дори турлари; инфузион дори турлари; субстанциялар ва бошқаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилган. Бу орқали нафақат республика фармацевтика бозорини, балки чет эл фармацевтика бозорларини ҳам корхонада ишлаб чиқарилган дори воситалари билан таъминлаш имкони юзага келади. Бу эса мамлакатимизга чет эл валютасини кириб келишига сабаб бўлади ва туман, вилоят қолаверса, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига олиб келади. Чет эл фирмалари билан қўшма лойиҳалар тузиш имкони юзага келади ва фаол инвестициялар жалб этилади.

Умумий хулосалар.

Ҳозирги кундаги фармацевтика бозорининг асосий тенденциялари таҳлил қилинди. Фармацевтика соҳасининг ривожланиш истиқболлари ўрганилди. Республикада фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди ва тегишли хулосалар олинди.

Аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида Фарғона вилояти Қўштепа тумани ҳудудида фармацевтика ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан қатор ишлар олиб борилди. Жумладан,

- “OLIMJONPHARM MEDIKAL” МЧЖ ни ташкил этилди;
- мавжуд бино конструкциясидан келиб чиқиб, фармацевтик эритмалар ишлаб чиқариш имконини берадиган лойиҳа чизмасини ишлаб чиқилди;
- керакли асбоб-ускуналар танланди;
- таш кил этилган корхонада ишлаб чиқариладиган дори воситалари ассортименти танланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги 2016 йил 4 январь ЎРҚ-399-сон Қонуни (янги таҳрири)

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2. Ўзбекистон Республикаси президентининг ПҚ-3489-сон 23.01.2018 йил “Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси президентининг ПҚ-3532-сон 14.01.2018 йил “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси президентининг ПҚ-5229-сон 07.11.2017 йил “Фармацевтика тармоғини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси президентининг ПҚ-2911-сон 20.04.2016 йил “Республика Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 20-декабрдаги №2685-сонли “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

7. Ўзбекистон Республикаси президентининг ПҚ-2698-сон 2016 йил 26 декабрдаги “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 197-сон 10.04.2017 йил “Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қарори.

10.2017 йил 3 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони.

11.Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 672-сон 25.08.2017 йил “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

12.Ислом Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” Тошкент – “Ўзбекистон” – 2012. 439 Б.

13.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.

14.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.

15.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.

IV. Асосий адабиётлар

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 13 февралдаги 42-сон буйруғи билан тасдиқланган ва жорий этилган, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” қўлланмаси. Тошкент. 2013 й. 12-14 бетлар.

17. Джалилов Х.К., Хайдаров В.Р., Қодиров М.М. “Дори воситаларини ишлаб чиқариш” (дарслик 1-қисм). Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйи. Тошкент. 2014. 32-85 бетлар.

18. GMP и чистые помещения. Курс 27-28 октября 2004 г. Vilnius? Lithuania 76-84 ст.

19. Правила надлежащей производственной практики (GMP) евразийского экономического союза. 2015 г. 32-44 ст.

20. Xaydarov V.R., Djalilov X.K. Dori vositalarini ishlab chiqarish fanidan laboratoriya mashg'ulotlarini bajarish bo'yicha o'quv-uslubiy qo'llanma. Toshkent. 2014. – 179 b.

21. Чуешов В.И., Гладух Е.В., Сайко И.В. и др. Технология лекарств промышленного производства. Учебник для студ. высш. учеб. завед.: Перевод с укр. : Ч.1. – Винница : Нова Книга, 2014. - 696 с

V. Қўшимча адабиётлар

22. Технология лекарств промышленного производство: Учебник. В 2-х т. Том 1 и 2. [В.И. Чуешов, Е.В.Гладух, И.В.Сайко и др.]. – Винница : Нова Книга; 2014.- 696 – 664 с.

23. Меньшутина Н.В., Мишина Ю.В., Алвес С.В. Инновационные технологии и оборудование фармацевтического производства. – Т.1. и Т.2. – М.:Издательство БИНОМ. 2012. – 328-480 с.

24. Дори воситалари сифат стандартлари. Асосий қоидалар. Тармоқ стандарти. Tst 42-01:2002. 54 б.

25. Правила производства и контроля качества лекарственных средств. Издание официальное. 2009. “Стандартинформ” Москва. 131 с.

26. Фармацевтический рынок России. 2017 г. Москва. 27 ст.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар

27. Акбаров Д.Ш. Маҳаллий фармацевтика саноати корхоналари фаолиятининг бугунги кундаги ҳолати // Farmatsevtika jurnali.- 2015. -№1.- 32-38 бетлар.

28. Юнусходжаев А.Н. Фармацевтический сектор Узбекистана. Состояние и перспективы // Фармацевтический журнал. -2011.- №1. С.3-6.

29. Юнусхўжаев А.Н., Зайнутдинов Х.С. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: муаммо ва уларнинг ечимлари // Farmatsevtika jurnali.- 2011.- №4.- 17-22 бетлар.

30. Юнусхўжаев А.Н., Умарова Ш.З., Салихўжаева Р.К. Ўзбекистонда фармацевтика фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш: муаммо ва уларнинг ечимлари // Farmatsevtika jurnali.- 2011.- №4.- 22-28 бетлар.

31. Зайнутдинов Х.С., Умарова Ш.З. Фармацевтика амалиёти: муаммо ва ечимлари // Farmatsevtika jurnali. -2011.- №4.- 35-37 бетлар.

32. Зиямухамедова Р.М., Зайнутдинов Х.С., Асатов С.И. Республика фармацевтика корхоналарида ИСО 9001 тизимини жорий этиш // Farmatsevtika jurnali.- 2010.- №2.- 5-9 бетлар.

33. А.Я.Ибрагимов “Маҳаллий ўсимликлар хом ашёси асосида ўт хайдовчи йиғма таркибини танлаш”. Матер.науч.-практич. конф. с международным участием «Актуальные вопросы образования, науки и производства в фармации», Т.:2015.-14-15.

34. М.Х.Турсунова, Ш.Р.АбзаловА.Я. Ибрагимов, А.К.Ганиев. “Фармакологические свойства желчегонного сбора и его сухого экстракта”. Фармацевтический журнал. – Ташкент, 2016. - №2. - С. 123-126.

35. Алимова М.Н. Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъинлашнинг аҳволи: муаммолар ва ечимлар // Farmatsevtika jurnali. -2011. -№4. 9-12 бетлар.
36. Аминов С.Н. Инвестиция сиёсатининг устуворлиги – фармацевтика саноатининг тараққиёт омили // Farmatsevtika jurnali.- 2013.- №1. -3-4 бетлар.
37. Ботирова З.Б. Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш – ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили // Farmatsevtika jurnali.- 2011. №4. 4-9 бетлар.
38. Жалилов Х.К. Дори воситалари муомаласининг бугунги кундаги ҳолати ва истиқболлари // Farmatsevtika jurnali.- 2011.- №4.- 12-17 бетлар.
39. Ибрагимова М.Я. Нормативное регулирование рекламы лекарственных средств в Республике Узбекистан // Фармацевтический журнал.- 2011.- №4.- С.29-31.
40. Рахимов А.А., Юнусходжаев А.Н., Хасанов Д.Д. Маркетинговое исследование потребительского понимания качества, лекарственной продукции// Фармацевтический журнал.- 2013. №4.- С.-11-16.
41. Саипова Д.Т. Основные тенденции развития инфраструктуры фармацевтического рынка Республики Узбекистан // Фармацевтический журнал.- 2016.- №2.- С.3-7.
42. Салямова Ш.Т. О совершенствовании законодательной базы, регулирующей оборот лекарственных средств // Фармацевтический журнал.- 2011.- №4.- С.32-35.
43. Юнусхўжаев А.Н. Фармацевтик таълим: ислохотлар, илм ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги (Тошкент фармацевтика институти 75 йиллиги олдида) // Farmatsevtika jurnali.- 2012- №1. 4-7 бетлар.
44. Юнусхўжаев А.Н., Умарова Ш.З. Фармацевтик таълим ва амалий фармацевтика интеграцияси // Farmatsevtika jurnali.- 2015. -№1. 3-6 бетлар.

VII. Интернет сайтлари

45. <http://uza/uz/society/23772/>
46. [http://www.lamsystems-ito.ru/Otechestvennie
texnologii chistix
pomesheniy dlya visokogo kachestva farmpreparatov.](http://www.lamsystems-ito.ru/Otechestvennie_tehnologii_chistix_pomesheniy_dlya_visokogo_kachestva_farmpreparatov.)
47. [http://www.promis.ru /validatsiya](http://www.promis.ru/validatsiya)
48. [www.gmpnews.ru/lekarstvo po gmp/ substansii.html](http://www.gmpnews.ru/lekarstvo_po_gmp_substansii.html)
49. [www.ima.it/proizvodstvo tverdix
lekarstvennix form iz
visokotoksichnix substansii.](http://www.ima.it/proizvodstvo_tverdix_lekarstvennix_form_iz_visokotoksichnix_substansii.)
50. [www.medbusiness.ru/ trebovaniya po gmp/](http://www.medbusiness.ru/trebovaniya_po_gmp/)
51. [www.process-worldwide.com/tabletochni prosess](http://www.process-worldwide.com/tabletochni_prosess)
52. [www.ria.ru/ gmp,html](http://www.ria.ru/gmp.html)

Иловалар